

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Тарих факультети
Ўзбекистон тарихи кафедраси**

Қўлёзма ҳуқуқида

НОРБЎТАЕВ АБРОР

Қанғ ва Давон давлати тарихига оид моддий манбалар

**5120300 – тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) таълим
йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

**Иш раҳбари: тарих фанлари
номзоди, доцент Д.Собирова**

Андижон – 2016 йил

Режа

КИРИШ

**I БОБ ҚАНҒ ДАВЛАТИ ТАРИХИНИ АРХЕОЛОГИК
ЁДГОРЛИКЛАР ОРҚАЛИ ЎРГАНИШ.....**

**II БОБ ДАВОН ДАВЛАТИ ТАРИХИГА ОИД ЧУСТ
МАДАНИЯТИ**

**III БОБ МИНГТЕПА ВА АХСИКЕНТ МОДДИЙ
ЁДГОРЛИКЛАРИ ТАРИХИ**

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Андижон тупроғи неча асрлик маданият ва тараққиёт намуналарини ўз бағрида асраб келаётган Далварзинтепа ва Эйлатон, Мингтепа ва Шўрабашот каби тарихий жойлар, кўхна ёдгорликларнинг борлиги бу заминнинг юртимиздаги қадимий цивилизация бешикларидан бири бўлганини эслатади.

Ислом Каримов

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин, она-Ватан тарихини билишга, ўзликни англашга қизиқиш ортди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Ўз тарихини билмайдиган, кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган”¹.

Тарих сабоқлари инсон учун намуна бўлади, таълим тарбия беради. Тарих сабоқлари халқни хушёрликка, ўз озодлигимиз, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асрашга ундайди. Ислом Каримов таъкидлаганидек, *“Модомики ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳақиқий тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантиришимиз, яна бир бор қуроллантиришимиз зарур”*².

ЎртаОсиёцивилизациясижаҳонтарихитараққиётидамуҳимаҳамиятга эгабўлиб, минтақаилкшаҳарлариҚадимгиШарқнингмаданий, иқтисодийвасиёсийшаҳармарказларибиланузвийалоқадаўзигахосйўналишдат араққий этган. Жумладан, Ўзбекистонхудудларидагиилкшаҳарсозликвадавлатчиликжараёнл ариҳамҚадимги Шарқ, цивилизациясинингмуҳимбўгининиташкил этган. ЎртаОсиёхудудларидаенгқадимгидаврларданбошлабтурлитарихий-

¹Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008.-Б.4.

²Каримов И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998.- Б.25.

маданийжараёнлартаракқийтопган. Минтақақулайгеографикжойлашувга эга бўлиб,ШарқваҒарбмамлакатларинииктисодийвамаданийалоқалартизимидабир-биригабоғлабтурган.

Урбанизацияжараёнлариниташкилэтишжаҳонтарихифанинингмуҳиммуаммолариданбириҳисобланади.

Қадимгишаҳармаданиятизаминидаўзбекдавлатчилигинингасосийомилларивапойдевориётади.

ШаҳарсозликвадавлатчиликтарихимасалалариниўрганишзаруриятиРеспубликаПрезидентиИ.А.Каримовтомониданмаҳсуствакидлабўтилди.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Мазкур битирув ишини ёзиш учун кўплаб адабиётлардан фойдаланилди. Тадқиқотнинг назарий асосини Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари ва мавзуга доир билдирган фикр ҳамда нутқлари ташкил этади³.

Қанғ ва Давон давлатига тарихига оид моддий манбаларниЎзбекистоннинг жанубий худудлари тарихини ёритишда тадқиқотчи олимлардан: А.Асқаров⁴, Э.Ртвеладзе⁵, Б.Абдуллаев, А.Сагдуллаев⁶, Т.Ширинов, У.Рахмоновларнинг ишлари ўрганилди.

«Ўзбекистонцивилизацияси» дегансўз эсаумумантилгаолинмаган эди. Сўнггийиллардатурлишаҳарларниюбилейларимуносабатибиланўтказилганмахсузилмий-

тадқиқотларваянгикашфиётларнатижасидаЎртаОсиёУрбанизациясимуаммол аригақизиқишянадакучайдиватурлиқадамгишаҳарларнингтарихиёритилди.

³Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. -Т., «Ўзбекистон», 1992; Ўша муаллиф. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т., «Ўзбекистон», 1995; Ўша муаллиф. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т., «Ўзбекистон», 1997; Ўша муаллиф. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т., «Ўзбекистон», 1998; Ўша муаллиф. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т., «Шарқ», 1998; Ўша муаллиф. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т., Ўзбекистон, 1998; Ўша муаллиф. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т: Ўзбекистон, 2011.

⁴А.Асқаров Сапаллитепа Т.1973

⁵Ртвеладзе.Э.В. Новые древнебактрийские памятники на юге Узбекистана// Бактрийские древности – Т. 1976.

⁶Сагдуллаев А.С ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Т. 2000

Тўпланган илмий маълумотлар, фанга жорий
етилган далиллар Ўрта Осиё шаҳарлари тарихининг асосларига тадқиқ; этиш,
илмий ёндашувлар ва концепцияларни умумлаштиришни долзарб вазифалардан
бирига айлантирди.

Юртимизда илк шаҳар созлик асосларининг пайдо бўлиши,
шаклланиш босқичлари асосан ёзувсиз даврларга тўғри келади.
Бу ўринда археологик маълумотларнинг аҳолия тини ҳолати даулкан бўлиб,
илк шаҳарлар тарихини тадқиқ этишда,
улардан аслманбалар сифатида фойдаланиш долзарбдир.

Машҳур археолог олим Б.А. Рибаконинг фикрича,
археологиянинг тарихий лиги нафақат тарихнинг турли даврларидаги воқеаларни
боғланиши ва изчиллиги га қараб тасвирлабгина қолмасдан,
балки қатор муҳим тарихий муаммолар: хўжалик тарихи,
ижтимоий ривожланиш тарихи, дин ва санъат,
этногенез ва қадимги қабилалар миграцияси тарихи,
давлатчиликнинг пайдо бўлиши масалалари,
антик ёки ўрта асрлар шаҳарлари масалалари, савдо-сотиқ тарихи,
маданиятларнинг ўзаро алмашинуви қабилаларни ўрганиш билан изоҳланад
и.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объектини Ўзбекистондаги
қадимги шихарлар тарихини ўрганиш ташкил этади. Ишнинг предметини эса
шу ҳудуддаги илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг тарихий
тараққиёти ҳамда илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва у билан бевосита
боғлиқ бўлган моддий ёдгорликларни ўрганиш масалалари ташкил қилади.

Ҳақиқатан ҳам, моддий маданият-тарихнинг
энг қадимги босқичларини ўрганишда муҳим манба ҳисобланиб,
жамиятнинг олға қараб ривожланиш хусусиятларини ва қонуниятларини кўпмиқёс
литурлитуман материаллар орқали очиб беришга имконият яратди. Айни пайтда,

хақиқий тарихни очиб бериш мақсадида археологик манбаларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш талаб этилади.

Ушбу услубий ёндашув тўлалигича шаҳар маданиятининг дастлабки босқичлари учун ҳам хосдир.

Бужара ённи ўрганиш учун тарихий ва археологик ўрганиш услубларининг таҳлил иўта муҳимдир. Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар шаҳарлари ва шаҳар манзилгоҳларининг ўрганилиш тарихи 100 йилдан зиёдроқ вақтнинг ўзичига олади (бужара ён хазина изловчилар ва ҳаваскорлар қазилма лари дан бошланиб, кўп ҳолларда илмий услубга риоя қилинмаган).

Будаврда кўп сонли мақолалар ва тўпламлар, минтақанинг маълум вилоятлари (Парфия, Марғиёна, Хоразм, Бактрия, Сўғд, Фарғона ва Чоч) шаҳар маданияти тарихига бағишланган монографиялар бўлибгина шир йузини кўрди.

Ўрта Осиёда илк шаҳарларнинг таракқиёт босқичлари мавзуси бўйича бугунга қадар амалга оширилган тадқиқотлар орасида минтақада шаҳар созлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиш тарихини тўла ҳолича қамраб олувчи илмий тадқиқотлар жуда кам. Улар асосан лоҳида шаҳарлар ва тарихий-маданий вилоятлардаги шаҳар созлик маданиятига бағишланган.

Антик ва ўрта асрлар даври шаҳарлар таракқиёти ҳақида кўпдан-кўпишлар амалга оширилган.

Аммо минтақада илк шаҳар созлик тарихи бутун минтақа миқёсида илмий тадқиқот сифатида етарли даражада ўрганилмаган.

Айниқса, қадимги шаҳарларнинг қисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳудудий функциялари, уларнинг бири-биригатаъсирива алоқадорлиги ҳақида ёритилган маълумотлар кам бўлиб, ушбу долзарб мавзуда ҳусуста ҳилламуҳтож.

Мавжуд манбалар ва маълумотлар қадимги шаҳарларнинг ишлаб чиқарилганининг турли соҳалари марказлари,

иқтисодий ва технологик янгиликлар масканларисифатида чуқурроқ ўрганилишига имкон беради.

Қадимги шаҳарлар тарихини ўрганишнинг энг асосий хусусиятлари даняна бир шундаки, цивилизация билан боғлиқ бўлган янги шаҳар созлик маданияти марказларининг турли ҳудудларда пайдо бўлиши ўзининга ҳамиятига кўра, жамият тивожланишининг ўзаро олоқаларива умум маданиянъаналари да ҳам кузатилади. Масаланинг кам ўрганилган ушбу жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим вазифадир.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад ва вазифалар қуйидагилардан иборат:

- Илк шаҳарлар тарихи дарўй берган маданият, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни, илк шаҳарлар тараққий этишининг асосий омилларива сабабларини замонавий ёндашувлар асосида аниқлаш, қадимги Ўрта Осиё шаҳар маданиятининг шаклланиши ва тивожланиш тарихи; «шаҳар» нини тарихий тушунчасифатида изоҳлаш ҳақидаги турли концепсиялар ва ёндашувларни кўриб чиқиш,

Ишнинг илмий янгилиги. Тадқиқотда қадимги Қанғ ва Давон давлатига тарихига оид моддий манбалар археологик тадқиқотлар асосида ёритиб берилган. Ишда ушбу соҳа бўйича тадқиқот олиб борган археолог-олимларнинг янги археологик тадқиқотлари санаб ўтилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқотдаги материаллардан Ўзбекистоннинг шаҳар созлик тарихига доир махсус курслар ташкил қилишда ҳамда амалий машғулотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши. Битирув малакавий иш кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Иш 55 саҳифани ташкил этади.

I БОБ ҚАНҒ ДАВЛАТИ ТАРИХИНИ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАР ОРҚАЛИ ЎРГАНИШ

Тошкент воҳасидагилар деҳқончилик билан жуда қадимдан шуғулланганлар. Оҳангарондаги Бурғонлик номи билан аталган археологик объектларда олиб борилган қазилмалар натижасида тошдан ясалган ер қазишда, чопишда ишлатиладиган қурол ва жездан ясалган ўроқ топилган. Бу ўз навбатида бу ерларда яшовчи аҳоли ўша даврларда (милоддан олдинги IX—III асрларда) деҳқончилик билан шуғулланганлигидан далолат беради. Милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда содир бўлган иктисодий туб ўзгаришлар Тошкент воҳаси аҳолиси ҳаётида ҳам юз берди. Бу минтақа чорвадорлари ҳам аста-секин деҳқончилик учун қулай бўлган жойларда доимий қароргоҳларини белгилаб, зироатчилик билан шуғуллана бошлаганлар. Чирчиқ, Оҳангарон ва уларнинг ирмоқлари бўлган катта ва кичик сойлар ҳавзаси Тошкент воҳасининг энг қадимги деҳқончилик марказларига айланган. Масалан, Оҳангарон дарёсининг ўрта оқимида жойлашган Бурғулуксой ҳавзаси Тошкент воҳасидаги илк деҳқончилик маданияти таркиб топган район бўлиб чиқди. Бу районда археолог А.И.Тереножкин 1940 йилда биринчи бор қидирув ишларини олиб борган. У шу йили Бурғулуксой бўйлаб археологик изланишлар олиб бориб, деҳқончилик билан шуғулланган аҳолининг бир неча қароргоҳларини топди. А.И.Тереножкин ўша йилларда янги қурилаётган

Тошкент канали трассаси бўйлаб археологик ёдгорликларни ҳисобга олиш билан ҳам шуғулланди. У очган қадимий қишлоқ қолдиқлари Тошкент воҳасининг илк бор деҳқончилик билан шуғуллана бошлаган жамоаларига тегишли маконлар эди. Бу маконларнинг барчаси Бурғулуксой бўйлаб жойлашган, шунингдек, улар ижтимоий ва маданий жиҳатдан ягона умумийликка эга эди. Шунинг учун А.И.Тереножкин бу ёдгорликларга Бурғулук маданияти деб ном берди. Бурғулук маданияти Тошкент воҳаси тарихида воҳа аҳолисининг илк деҳқончилик маданиятини ўрганишда муҳим илмий кашфиёт эди.

А. И. Тереножкин Бурғулук маданияти ёдгорликларининг даврий таснифотини ишлаб чиқди ва бу маданият тарихини икки босқичга бўлди. У аввал Бурғулук маданияти ёшини милоддан аввалги III-I асрларга оид деб топди, Кейинроқ эса бунга аниқлик киритиб, унинг

ёшини милоддан аввалги IV—III асрлар билан белгилади. АММО Тошкент воҳасида деҳқончилик маданияти ундан ҳам олдин таркиб тонган. Масалан, воҳанинг йирик ёдгорлиги Қанқа шаҳар харобасида олиб борилган изланишлар бу воҳада шаҳар маданияти милоддан аввалги IV асрнинг охири ва III асрда найдо бўлганлигидан дилолат беради. А. И. Тереножкин Бурғулук маданиятининг ёшига учинчи бор аниқлик киритди. Бунга кўратошкент воҳасида илк деҳқончилик маданияти милоддан аввалги VI — IV асрларда шаклланган.

А. И. Тереножкиндан кейин узоқ йиллар Бурғулук маданияти тарихи билан ҳеч ким шуғулланмади. Ниҳоят, 1972 йили бу ишга археолог Х. Дуке жалб этилди. У Туябўғиз сув омборининг қурилиши муносабати билан охангарон дарёсининг чап соҳилида мунтазам равишда қидирув ва қазилма ишларини олиб бориб, бу маданиятга тегишли 14 та қишлоқ ва 60 га яқин ярим ертўла ва чайла типдаги қулбаларнинг қолдиқларини очиб ўрганди. Археологик қазилмалар давомида қадимги қишлоқларни ўраб олган муҳофаа деворларини очди, ҳам ғиштдан қилинган ҳар хил ҳажмдаги уй қолдиқларини қазиди. 1981 йили шу маданиятга алоқадор бир қабри

ҳамочиби ўрганди. Қабрда скелет оёқ-қўллари букланган ҳолдачан ёни билан, боши шимолга қаратиб ётқизилган эди. Мозордан битта сопол идиш чиққан. Скелет устида бир қатор хом ғиштлар ётарди.

Бургулук маданияти қишлоқ қолдиқларини қазिश вақтида беҳисоб сопол парчалари, қумтошдан ясалган ўроксимон пичоқлар, бронзадан ясалган ўроқ ва пичоқлар бигиз, ойна, игналар топилган. Топилмалар орасида икки парракли пайкон ҳам бор. Тош қуроллар беҳисоб, уларичида ёрғучоқлар, тош ўғир ва ўғир соплари кўплаб учрайди. Сополлар қўлда ишланган. Тошкент воҳасининг кадимги деҳқонлари ва ҳунарманд аҳли ҳам Бурғулук, маданияти замонида сопол идишлар ишлаб чиқаришда кулолчилик чархидан фойдаланишди билмаганлар. Сополлар икки ярусли хумдонларда эмас, балки очик гулханларда пиширилган. Шунинг учун улар кўпол, мўртбир текисда жарангдор қилиб пиширилмаган. Сопол идишларнинг турлари ҳам кўп бўлмаган. Улар ости ясси қилиб ишланган косалар, тувакча ва хурмачалардан, кулокли сопол қозонлардан иборат бўлган. Сополлар аксариятининг (қозонлардан ташқари) сиртига оч кизил ангоб берилган, сўнг пардозланган. Унинг устидан идишларнинггардиши бўйлаб оч кора ёки оч кизил рангда гул солинган. Сополларга туширилган гуллар ҳам жуда оддий чизиклардан иборат

Сополлар ўз ташкиқўришии жихатидан Чуст маданияти сополларига ўхшаб кетади. Х. Дуке сополлардагибу аломатларни ҳисобга олган ҳолда икки парракли бронза пайкан, қумтошдан ясалган ўроксимон пичокларгаасосланиб, Бургулуқ маданияти ёшини қайта кўриб чикдива унинг милоддан аввалги IX—VII асрларга оид эканлиғни исботлади.

Тоғакент воҳаси ёдгорликлар мажмуида Бурғулук маданияти ўрнига келган янги археологик маданиятни ҳозирча тарих фани билмайди. Аммо Тошкент воҳаси тарихида А. И. Тереножкин очган Қовунчи маданияти бор. Унинг йил санаси милоддан аввалги II асрдан бошланади. Энди Бурғулук билан Қовунчи ўртасидаги оралиқ давр узок, йиллар давомида археологларнинг бошиниқотирди. Ниҳоят, Ўзбекистон археологлари

Тошкент шаҳри ёшини аниклаш муносабати билан бу жумбоқнинг ечимини ҳам топдилар. Кейинги йилларда М. Филанович Тошкент яқинидаги Шоштепада казишмалар олиб бориб, унинг устки қатламининг илк феодал даврига оид эканлигини таъкидлар экан, Шоштепанинг қуйи қатлами Бурғулук маданиятига тегишли эканлигини исботлади.

М. Филановичнинг Шоштепада олиб борган казишмалари туфайли Бурғулук маданияти, А. И. Тереножкин айтганидек, икки босқичдан иборат эканлиги яна бир бор тасдиқланди. Шоштепанинг пастки қатлампан қалин Бурғулик даври маданий қатлами очилди. Қадимий муҳофаа девори қолдиқлари ўрганилди. Шоштепа Тошкент шаҳрининг илк бор асоси қурилган макон эканлиги аниқланди. Қадимги Тошкент Шош, ундан аввалроқ Чоч деб аталган. Тошкентнинг ана шу қадимги номи Шоштепа билан боғлиқ ҳолда халқ орасида жуда қадимдан ҳозиргача унутилмай келганидан далолатдир.

Археолог олимлар (М.Филанович ва Х.Дуке) Шоштепа материалларини чуқур ўрганиб, Бурғулук маданиятининг сўнгга босқичи Шоштепада намоён бўлганини аниқладилар. Шоштепанинг Бурғулук қатлами ёши милоддан аввалги VI—IV асрларга тегишли эканлигини исботладилар шунингдек, Бурғулук қатлами устида ётган қатлам милоддан аввалги III асрга оид бўлиб, у Бурғулук маданияти билан Ковунчи маданияти ўртасидаги **ўтиш** босқичи эканлиги ҳам асосланди.

Шундай қилиб, Бурғулук маданияти Тошкент воҳаси аҳолисининг илк деҳқончилик маданиятидир. У икки тарихий босқични босиб ўтди. Унинг биринчи босқичи милоддан аввалги IX—VII асрлар, сўнгги босқичи эса милоддан аввалги VI—IV асрлар билан аниқланган. Бурғулукликлар ўз тараққиётининг биринчи босқичида ярим ертўла ва чайла типидagi қулбаларда яшаб, деҳқончиликбилан шуғулланганлар. Иккинчи босқичда эса уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди—энди улар гувала ва хом ғишдан қулба қуришни билиб олдилар.

Дехқончиликда сунъий сугоришдан фойдаланилди. Уларнинг қишлоқлари атрофида муҳофаа деворлари пайдо бўлди.

Тошкент воҳасида биринчи бор вужудга келган шаҳарлар асосида Бурғулуқ маданияти деҳқонлари ва ҳунармандлари яратган иқтисодий ва маданий бойлик ётади. Бурғонликлар деҳқончилик билан бир каторда, чорвачилик билан ҳам шуғулланганлар. Тошдан ясалган иш қуроллари билан ерни ўзлаштириш жуда қийин бўлганлиги учун ердан олинган ҳосилнинг унуми жуда паст бўлган. Милодий I—II асрларда Ўрта Осиёда меҳнат қуроллари ва уруш қуроллари темирдан ясалган.

Уруш қуроллари (қилич, ханжар, ойболта, ўткир учли найза ва бошқалар) Тошкент воҳасида ишлаб чиқарилган. Қорамозор, Қурама ва Чотқол тоғларида темирчилик, мисгарлик ҳунарининг ривожланиши учун керакли миқдорда маъданлар бўлган. Бу жойлардан жуда қадим даврлардан бошлаб мис, темир, кумуш ва бошқа металллар олинган. Усталар турли металлларни бир-бирига қўшиб, мустаҳкам қуроллар ясашни ҳам билганлар.

1984 йили ленинободлик А. Аминов томонидан Сирдарёдан топилган қадимги дубулға юқорида айтиб ўтганларимизга мисол бўлади. Дубулғанинг ёши 2000 йилдан ошган. Дубулғанинг зирхи қўшқават бўлиб, турли металл қотишмаларидан иборат бўлган. Мутухассислар уни яшаш учун маҳаллий хом ашё, жумладан, Қорамозор рудаси асосий материал бўлиб хизмат қилган, деб тахмин қиладилар⁷.

Жунликлар ва қовунчиликлар даврида (милоддан олдинги II — милодий VI асрларда) мол қўшиб, омов билан ер ҳайдаш омовий тус олади. Цяньханьшуда милоддан олдинги 202 — милодий 25 йил ва кейинги асрларга оид тарихий асарларда эслатилиб ўтилган донли экинлар ва дарахтзор, тоқзорларга мотиға билан ишлов бериш билан бирга, ҳайвон қучидан ҳам фойдаланилган. Шу йилларда ерни сунъий сугориб, экин

⁷Қаранг: Комсомольская правда. 1984. 10 февраль; Совет Ўзбекистони, 1984, 18 февраль.

экилган, катта ва кичик каналлар қазилган. Шунинг натижасида деҳқон ердан кўп ҳосил олган.

Бошқача қилиб айтганда, кишилар ўртасидаги товар – пул муносабатлари, савдо муносабатларида айрибош усули милодий I асрларда ҳам ривожланган. Деҳқонлар ўрилган донни мол туёғи билан янчишни ҳам билганлар. Чоштепада олиб борилган археологик қазилмалар натижасида шу нарса аниқландики, деҳқонлар донни махсус қазилган ўраларда сақлаганлар ва уни чўзинчоқ шаклдаги энли ёрма тошлар орасига олиб, ишқалаб, ёрма чиқазганлар ва ун қилганлар. Юмалоқ шаклдаги қўл тегирмонида (ёрғичокда) айлантириб, ун тортиш Ўрта Осиёда биринчи мартаба милоддан олдинги I — милодий I асрларда пайдо бўлган.

Қанғарлар яшайдиган вилоятларда шаҳар ва қишлоқлар мавжуд бўлган. Милоддан олдинги II — милодий V асрларда фақат Тошкент воҳасининг ўзида 13 та шаҳар бор эди⁸. Шаҳарлар душман қамалига бардош берадиган даражада қилиб қурилган⁹.

Шаҳарлар қалин ва баланд деворлар билан ўралган. Унинг ташқарисида қалъа атрофи гир айлантирилиб чуқур ва кенг қилиб хандак қазилган. Уни сув билан тўлдириб турилган. Шаҳар ичида мустаҳкам истехком (арк) ва шаҳристонларнинг ҳам баланд мудофаа деворлари¹⁰, бир неча дарвозалари бўлган. Шаҳар ичадиган сув билан таъминланган. Шаҳар қалъаси яқинида аҳоли яшайдиган жойлар бўлган. Қишлоқ аҳолиси душман яқин келиб қолганидан дарак топгач, шаҳар ичига кириб, мудофаачилар сафида туриб, босқинчиларга қарши курашган. Шаҳарларнинг бу даражада мустаҳкам ва

⁸Тошкент воҳасида шу даврда маълум бўлган шаҳарларнинг харобалари қуйидагилар: Қанқа, Кавардан, Кулота, Қовунчитепа, Кендиктепа, Шохрухия, Тўрткўлтепа 1 ва Тўрткўлтепа 2; Далварзинтепа, Мингўрик, Окқўрғон, Октепа. Қаранг: Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент, 1982. С. 109.

⁹Шаҳарларнинг бир қанчалари (Қанқа, Қовунчитепа, Чоштепа харобаларининг ўрнида мавжуд бўлган шаҳарлар) қулдорчилик синфий тузумининг ривож топган даврига (милоддан олдинги III—I — милодий I—III асрларга) тўғри келади. Айни шу даврларда кўчманчилар ҳаракати кучайиб, Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерларни эгаллашга интилганлар. Воҳада яшовчи аҳоли кўчманчилар тажовуздан ўзларини химоя қилиш учун қўрғонларни (душман осонлик билан босиб олмаслиги учун) мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб оладилар.

¹⁰Қадимги Қанқа шаҳри ичида аркдан ташқари яна учта шаҳристон мавжуд бўлган. Шаҳристон I нинг эгаллаб турган ернинг майдони 6,5 га, Шаҳристон II — 50 га ва Шаҳристон III — 150 га бўлган. Қовунчитепада ва милодий VI асрда вужудга келган Худойкентда иккита аркдан ташқари яна иккитадан шаҳристон ҳам бўлган. Қаранг: Буряков Ю. Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. С. 32, 33, 40.

маълум тартибда қурилиши ўша даврда меъморчилик санъатининг юксалиб борганлигидан далолат беради.

Йирик шаҳарлардан ташқари, Тошкент воҳасида юзга яқин аҳоли яшайдиган катта ва кичик қўрғонлар ҳам мавжуд бўлган. Бу қўрғонлар, асосан, Ангрен ва Чирчик водийларида кўп бўлган. Археологик кузатишлар натижасида бу қўрғонлар асосан уч хил бўлганлиги аниқланди¹¹. Мўлали, истехкомсиз аҳоли турадиган жой. 2. Мўлали ва истехкомли аҳоли турар жойлар. 3. Катта ҳовлига ўхшатиб солинган, тевараги баланд девор билан ўралган алоҳида қурилган қўрғонлар.

Шаҳар ва қўрғонларда йирик қабила ва уруғ ёки жамоа бошлиқлари яшаганлар. Бу турар жойлар баланд тепаликка қурилганлиги учун уларнинг харобалари бизгача сақланиб келган. Аммо аҳолининг кўпчилик қисми пастак қилиб солинган бир ёки икки хонали уйларда яшаганлар. Бу хил уйларнинг деворлари, асосан, пахса ёки гуваладан қурилган. Вақт ўтиши билан бу уйларнинг нураши натижасида уларнинг ўрни аниқланмади. Қишлоқаҳолисининг маълум қисми милoddан олдинги II — милодий V асрларда қамиш чайлаларда яшаганлар.

Тошкент воҳасининг айрим шаҳарларида лой пахса, гувала ёки хом ғиштдан қурилган уйлардан ташқари кигиз уйлар ҳам бўлган. Шаҳар ва қўрғонларда ўтов қурилганлиги туб ўтроқ аҳолидан ташқари яқиндагина ўтроқликка ўтган, аммо ханузгача чорвачиликдан батамом ажралмаган оилалар ҳам яшаганлигидан далолат беради,

Демак, воҳа аҳолисининг кўпчилик қисми пахса деворли уйларда, қапада, хатто ертўлаларда яшаганлар. Бу хилдаги бошпаналарда кўпинча камбағал ўтроқ оилалар ва яқинда ўтроқликка ва ярим ўтроқликка ўтган уруғ ва қабилалар яшаганлар. Йирик қабила саркардалари, уруғ бошлиқларининг оилалари ва уларга яқин кишилар қўрғонларда ҳамда шаҳарларда яшаганлар.

¹¹Буряков Ю. Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. С. 114; Филанович М. И. Кўрсатилган асар, 36-бет.

Шаҳар аҳолисининг кўпчилиги ҳунармандчилик билан шуғулланган. Шаҳарда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари (темирчилик, тўқимачилик, кўнчилик, дурадгорлик, кулолчилик) бўлган. Ҳунармандлар мақсулотларини бозорга чиқарганлар. Йирик шаҳарлардаҳар бир соҳа ҳунармандлари шаҳарнинг маълум бир маҳалласидаяшаганлар, уларнинг ишлаш жойи (дўкони) ҳам кўпинча шу маҳаллада бўлган.

Тошкент воҳасидаги Қовунчитепада олиб борилган археологик топилмалар Қанғ давлатига тегишли маданиятнинг ёрқин намуналари ҳисобланади. Қовунчи кўрғоннинг қатламларида турли даврларга оид меъморчилик қолдиқлари, суякдан ва металлдан ясалган буюмлар ва иш куруллари (ўроқ, пичоқ, мотиға), камон ўқларининг учлари, бир неча хил мато намуналари ва бошқалар топилган. Бу ерда турли ҳажмдаги сопол идишлар (кўза, хум, хурмача, коса, сопол қозон, кўра ва бошқалар) ҳам бор эди. Қовунчитепадан кўплаб турли ҳайвонларнинг суяклари ва дон қолдиқлари ҳам топилган. Ана шу топилмалар асосида Қовунчи маданияти даврида (милоддан олдинги II — милодий VI асрларда) Тошкент воҳасининг аҳолиси арпа, буғдой, тарик ва бошқа донли экинлар экканлиги ҳамда боғдорчилик билан шуғулланганлигидан дарак беради. Қовунчиликлар чорвачиликбилан шуғулланганлар. Улар қўй, эчки, қорамол (сигир, ҳўкиз), туя, от ва эшак сақлаганлар.

Қовунчитепа қазилмаларидан топилган сопол идишлар Қанғ даври маданиятидан дарак беради. Сопол идишлар кўпинча кизил анғоб билан бўялган. Сопол идишларнинг бир қанча турларига ҳайвон боши тасвири солинган. Юқорида тилга олинган барча археологик топилдиқлар Қовунчи маданияти деб тарихга кирган. Қовунчи маданияти Тошкент воҳаси, Сирдарёнинг ўрта оқими, Еттисув ва Шимолий Фарғонада кенг тарқалган. Бу маданиятнинг айрим намуналари Ўзбекистоннинг жануби ва Тожикистоннинг бир қанча райониларидан ҳам топилган.

Қовунчи аҳолиси турли матоларни тўқиш билан шуғулланганлар. Қовунчи II даврига оид етти хил мато намуналари топилган. Матолар асосан-

жундан ва пахтадан тўқилган. Қанғарларга кўшни бўлиб яшаган исфараликларда (милодий бир мингинчи йилларнинг биринчи яримларида) матолар асосан пахтадан тўқилганлиги археологик қазилмалар натижасида аниқланган. Милодий II — III асрларда Ўрта Осиёда, жумладан, Сўғда шойимато ҳам кенг тарқалган. Аммо бу шойиларнинг кўпчилик қисми савдо йўли билан четдан келтирилган. Милодий IV — V асрларда Сўғдиёнанинг ўзида ҳам шойи тўқиш кенг тараққий этган.

Матоларнинг кўпчилигидан кийимлар тикилган. Дағал матолар хўжалик эҳтиёжларига ишлатилган. Жундан ва пахтадан тўқиладиган газламалар содда мосламалар ўрнатилган дўконларда тўқилган. Тўқималар учун керакли бўлган ип эса оддий урчуқларда йиғирилган.

Қанғарлар даврида чармдан ишланган буюмлар ҳам кенг тарқалган. Чу водийсида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида милодий бир мингинчи йилларнинг биринчи ярмида бу ерда яшовчи халқлар чармдан кийим-бош ва пошнасиэ этик тикканлар. Чарм ва хом теридан қилинган буюмлар ҳамда кийимларни кўчманчи ва ярим ўртоқ яшаб, чорва билан шуғулланиб келган қанғарлар ишлатганлар. Чармдан ўқдонни солиб юрадиган чарм халталар, пичоқ қинлари, саноч, меш ва бошқа буюмлар тайёрданган.

Қадимги ҳинд халқ достони «Махабхарата» да (Бхаратанинг авлодлари ҳақида катта дoston) тасвирланишича, ҳинд подшоси Юдихаштхира (Юшиштира) томониданруҳларга атаб қурбонлик келтириш байрами (асвамеда) тантанали равишда ўтказилади. Бу тантанага қатнашиш учун турли мамлакатлардан (шак, тохар ва қанқа ва бошқа) элчилар келади.

Бу элчилар топширган совға-саломлар ичида жундан, пахтадан, шойи толаларидан тўқилган жуда кўп матолар бўлган. Бундан ташқари, улар пахтадан, ипдан ва қўй жунидан тўқилган нафис газламалардан тикилган кийимлар, темир учли найзалар, ойболталар ва кескир болта, тешалар олиб келганлар. Шаклар, тохарлар ва қанғаликлар олиб келган совғалар ичида

мусалласнинг бир неча хили, турли зираворлар ҳамда қимматбаҳо жавохирлар бўлган.

Милодий 420—479 йилларга оид солномаларда Тошкент воҳасидан ва Ўрта Осиёнинг бошқа ерларидан Хитойга бориб қолган артистларнинг кийимлари таърифланади. Солномада айтилишича, ўйинга тушадиган артистлар енги тор қилиб тикилган кўйлак, бошларига баланд (чўнғоқ) телпак кийганлар. Телпакнинг тевараги тепага қайрилган, унинг четларига майда қўнғироқчалар тақилган. Бундан ташқари, улар бошларига гул нусхали ва дур доналари билан безалган дўппи кийганлар. Ўйинчиларнинг беллари кумуш камар билан боғланган. Солномада уктириб ўтилишича, бу кийим-бошлар илгарилар ҳам мавжуд бўлиб, Сун даврида ҳам ўзининг олдинги кўринишини йўқотмаган. Тошкентлик боланинг ўйинини мактаб ёзилган шеърлардан бирида ҳам шу кийим-бошлар тилга олинади. Бу шеърда ўйинчи бола кийган кўйлак жундан нафис тўқилган матодан тикилганлиги, бошида чўнғоқ телпак, белида кумуш камар ва оёғида нақшлар билан безатилган этик кийгани айтилади.

Солномалардаги кийим-бош ҳақидаги маълумотлар ўйинчи — артистларнинг кийимларига тааллуқли бўлса ҳамки, у биз учун жуда қимматли ҳисобланади, Чунки бу ахборотлар бундан бир ярим минг йиллар олдин яшаган аждодларимизнинг маданияти қай даражада бўлганлигидан бизни хабардор қилади. Шу билан бир қаторда, бу ахборотлар «Махабхарата» да қайд қилинган кийим-бош, курол-аслаҳа, турли матолар вабошқа буюмлар ҳақидаги маълумотларни тўлдиради ва археологик топилмалар билан биргаликда милодий бир мингинчи йилнинг ўрталарида маданият даражаси нақадар ривож топганлигидан далолат беради.

Қанғ маданиятининг гуллаши тасодикий эмас, албатта. Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи халқларнинг Сўғдиёна, Фарғона ва Тяньшань тоғининг шимоли-шарқий қисмида яшовчи халқлар билан яқин алоқада бўлганлиги туфайли Қанға маданияти тараққий этган. Ана шу алоқалар натижасида катта бир ўлкада (Ўрта Осиё ва Қозоғистон чўлларида) яшовчи бир қанча

халқларнинг маданиятида, урф-одатида ўхшашликлар мавжуд бўлган. Шунинг учун қадимги манбаларда қанғуйларнинг шимоли-ғарбий қўшниси Янқай (аланлар) ҳамда Бухоро (Ань, Аньси) аҳолисининг урф-одати Қанғуйларникига ўхшаш бўлган. Солномаларда қанғуйлар ҳақида гап кетганда буларнинг урф-одати, турмуш тарзи Шимолий Хитой ва Шарқий Туркистонда жойлашган катта юечжиларникига ўхшайди деб таъкидланади. Қанғарларнинг моддий ва маданий алоқаларининг кенгайиб боришида, сўзсиз, уларнинг еридан ўтган қадимий савдо йўли — «Ипак йўли»нинг аҳамияти катта бўлган. Бу савдо йўли орқали Ўрта Осиё халқлари Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Юнонистон, Миср, Олд Осиё ва Европа билан қадим даврлардан оқ савдо ва дипломатик алоқада бўлиб келганлар.

Савдо ва маданий алоқанинг ривожланганлигини милоддан олдинги II— I ва милодий I — IV асрларга оид археологик топилмалар тасдиқлайди. Жунарик яқинидаги қадимий қўрғонлардан (гўристонлардан) топилган икки дамли, штангасимон дасталиқ қилич олимларнинг диққатини ўзига жалбэтган. Бу типдаги қилич Ўрта Осиёнинг бошқа районларида ҳам топилган. Шу типдаги икки дамли қилични милоддан олдинги III—I асрларда сарматлар ишлатган. Қанға ва сармат халқлари қадимдан бир-бирлари билан қўшни бўлиб яшашган. Милодий I асрда сарматларнинг катта бир қабиласи — аланлар қанғарларга бўйсунган. Узоқ даврлардан бери давом этиб келган савдо ва этник алоқалар натижасида Сармат маданиятига хос айрим буюмлар, жумладан, икки дамли қилич қанғарларда ҳам бўлган.

Жунарик яқинидаги 7-қўрғондан милоддан олдинги I — милодий II асрларга оид жездан ясалган, ўртаси бўртиб чиққан, дастали ойна топилган. Б. А. Литвинскийнинг фикрича, бу ойна Бақтрияда милоддан олдинги II асрларда ишланган. Кейинчалик бу хилдаги жезойна Ўрта Осиёга ва Ҳиндистонга, ҳатто Волгабўйларига ҳам тарқалган. Шу 7-Жунарик яқинидаги қўрғондан милоддан олдинги I — милодий III асрларга оид жезтўғноғич ҳам олинган. Бу хил тўғноғичлар Югославия, Италия, Венгрия

хамда Европанинг кўпгина районларида, Кичик Осиёда, Ғарбий Сибирда ва бошқа регионларда ҳам кўплаб топилган. Тахмин қилинишча, бу типдаги тўғноғич Ўрта Осиёга Шарқий Европадан, Венгриядан Сармат чўли орқали ўтган. Шунга ўхшаш тўғноғичлар Қанғарларга Шарқий Парфия ва Ҳиндистон орқали ҳам ўтган. Чоштепада олиб борилган қазилмалар натижасида топилган, милодий I —II асрларга оид ритон ҳам Қанғ ерларига Европадан савдо алоқаси орқали келиб қолган.

Келтирилган археологик маълумотлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Қанғарларнинг маданий алоқа доиралари жуда кенг бўлган; улар ўзларига яқин қўшни халқлар ва қабилалар билан савдо ва дипломатик алоқа боғлаганлар.

Қовунчиликлар жасадни дафн этиш учун ерни ғор шаклида кавлаб, мағора (катакомба) ясаганлар, Жасадни гўрга қўйгач, унинг ёнига эркак киши бўлса, қилич, ханжар; аёл кўмилса, безаклар, тақинчоқлар жезойна қўйилган. Гўрнинг оғзи тош, хом ғишт ёки кесак билан беркитилган. Мағоранинг устига тупроқ уюлиб, тепақўрғонча қилинган. Бу хилдаги дахмалар Тошкент воҳасида, хусусан, Ангренда кўплаб учрайди¹². Жасад баъзи дахмаларда ернинг устига қўйилган. Мақбаралар хом ғишtdан, пахсадан қилинган. Қорамозор ва Қурама тоғларида устига тош уюлиб қўйилган дахмалар ҳам учрайди. Бу хилдаги қабрлар «муғхона», «мугтош» деб аталган¹³. Айрим дахмалар катта уйга ўхшатиб солинган бўлиб (курум), унга бир неча жасад қўйилган¹⁴. Бу хилдаги оилавий мақбараларни зардуштра одатига яқин, деган

¹²Массон М. Е. Ахангеран, С. 15, 16; Буряков Ю. Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. С. 52—57.

¹³Ўша асар, 15—16-бетлар.

¹⁴Оилавий мақбара 1928 йили М. Е. Массон томонидан Тўйтепага яқин жойда очилган. Бу дахмада беш кишининг жасади дафн қилинган. Қаранг: Массон М. Е. Ахангеран. С. 21; Оилавий мақбара 1963 йили Т. Р. Аъзамхўжаев томонидан Пангоз қишлоғида (Тожикистоннинг Ленинобод вилоятидаги Аш районида) ҳам очилган. Қаранг: Аъзамхўжаев Т. Р. Археологическая разведка в селени Пангоз // История материальной культуры Ўзбекистана, Вып. 6. Ташкент, 1965. С. 159—261; Қурама тоғидаги бу жойлар ўша даврларда қанғлилар чегарасида бўлган. 1960, 1974, 1979 йилларда археологлар томонидан Оҳангарон водийсида ҳам бир неча кишининг жасади қўйилган мақбаралар очилган. Бу дахмаларни Буряков Ю. Ф. IV—VI асрларга, айримлари эса IV—VIII асрларга оид, дейди. Қаранг: Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. С. 55.

фикр ҳам мавжуд¹⁵. Аммо мурдани ерга қўйилишининг ўзи зардуштра диний эътиқодига тўғри келмайди. Жасадни ерга қўмиш милодий бир мингинчи йилнинг бошларида Тошкент воҳасида кенг қўлланилган. Бу эса маҳаллий халқнинг этник таркибида ўзгариш юз берганлигидан далолат беради.

Милоддан олдинги VI—I асрларда Сўғдиёнада, жумладан, Тошкент воҳасида зардуштра диний эътиқоди кенг тарқалган¹⁶. Зардуштра таълимотига кўра, жасадни ерга қўйиш ёки ўтда куйдириш қатъий ман қилинган. Чунки, мурда макруҳ, ҳисобланган. Шунинг учун ҳам бу динга эътиқод қилган кишилар мурдани олдиндан тайёрлаб қўйилган баланд жойга олиб бориб қўйганлар. Ҳайвон ва қушлар ўлик этини еб бўлганидан сўнг суякларни йиғиб, лойдан ёки сополдан ясалган идишларга (ассуарларга) солиб дафн этганлар. Бу хилдаги идишлар Тошкентда милодий IV—VI асрларда ҳам мавжуд бўлган¹⁷. Аммо бу даврда жасадни ерга қўйиб қўмиш ҳам кенг тарқалган эди.

Юқорида келтирилган далилларга асосланиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Милодий бир мингинчи йилнинг биринчи ярмида зардуштра диний эътиқод ҳукм суриб келаётган бир даврда Тяньшань тоғларидан шимоли-шарқда ҳамда Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ерларда яшовчи халқлар жасадни ерга қўйиб қўмиш одати мавжудлиги кўчманчи қабилаларнинг айрим қисмлари Тошкент воҳасига келиб жойлашиб, уларга араллашиб кетганлигини билдиради. Водийга келиб ўрнашган қабилаларнинг келиб чиқиши ҳар хил бўлган; буларнинг айримлари эрон тил группасидагилар (ассийлар, тохарлар, шаклар ва бошқалар) бўлса, бошқа қисмлари эса туркий тилда гапирувчилар бўлган. Уларнинг ерга қўйиб қўмиш одатлари ҳам ҳар хил бўлган: айрим қабилалар жасадни ер остига

¹⁵Аъзамхўжаев Т. Р. Кўрсатилган асар, 161-бет; Литвинский Б. А. Кангюйско-Сарматский фран. Душанбе, 1968. С. 24.

¹⁶Зардуштра диний эътиқоди ўз номини милоддан олдинги VI асрда ўтган ярим афсонавий «пайғамбар» Зарауштра (Зардуштра) номидан олинган. Зардуштра ватани Ўрта Осиё ҳисобланиб, Аҳмонийлар даврида (милоддан олдинги 558-330 йиллари) Эронда ва Мовароуннаҳрда кенг тарқалган. Қаранг: Струев В. В. Родина зороастризма // Советское востоковедение. 1948. № 5.

¹⁷Массон М. Е. Ахангеран. С. 28—35.

қўйиб кўмсалар, бошқа бир қабила вакиллари ер устига махсус ясалган хона — қабрларга қўйиб дафн этганлар. Воҳада қадимдан яшаб келган ўтрок, Қанг аҳолиси эса милодий бир мингинчи йилларнинг ўрталаригача қадимги зардуштра диний эътиқодларига амал қилиб, мурдани ассуарларда дафн этганлар.

Қовунчиликлар қуёшга сиғинганлар. Бу эътиқод ибтидоий даврларда ҳам кўпчилик халқларда мавжуд бўлган бўлиши керак. Қулдорчилик даврига келиб қуёшга сиғиниш янгича тус олган. Эндиликда Қуёш худоси қабила бошлиқлари ва қулдорчилик давлатининг манфаатлари учун хизмат қилган.

Қуёшга сиғиниш Ўрта Осиёда яшовчи шак - массагетлар орасида ҳам кенг тарқалган. Геродот (милоддан олдинги V аср) «Массагетлар барча худолардан фақат қуёшни тан оладилар» деб ёзади. Массагетлар маликаси Тўмарис Эрон подшоси Кир II дан ўч олиш мақсадида массагетлар худоси «Қуёш» номини тилга олиб қасам ичади¹⁸. Кирни массагетлар билан уруш олиб борган йиллари милоддан олдинги VI асрга (530 — 524 йилларига) тўғри келади. Сирдарёнинг қуйи оқимидан топилган VII—V асрларга оид археологик қазилмалар вақтида топилган от анжомларидаги безакларда қуёш шакли бўлган¹⁹.

Кейинги йилларда А. Асқаровнинг янги археологик ёдгорликларни ўрганиш асосида аниқланишича, зардуштра диний эътиқоди милоддан олдинги икки мингинчи йилнинг иккинчи ярмида вужудга келган. Демак,

¹⁸Эрон қўшинларини етиб олиб, улар билан жанг қилишни буюради. Массагет қўшинлари эронликлар лагерига етиб келиб, бу ерда қолдириб кетилган оз қисм эрон жангчиларини тор-мор қиладилар ва ғалабани нишонлашга киришиб, бу ердаги ичимликлар, нозу неъматларни тановул қилишади. Ҳамма маст бўлган бир пайтда Кирнинг жанговар қисмлари бостириб кириб, массагет қўшинларининг кўпчилик қисмини чопиб ташлайдилар ва бир қисмини жумладан, Споргапифни асир оладилар. Бу фожиа Тўмарисга етгач, у элчи юбориб, ўғлини қайтариб беришни ва эронликларга ўз ватанларига қайтиб кетишни маслаҳат бериб шундай дейди: «... агар менинг бу маслаҳатимга қулоқ солмасанг массагетларнинг олий худоси «Қуёш» номини тилга олиб қасам ичаманки, мен сен қонхўрни астойдил қонга тўйдираман». Споргапиф ҳалок бўлади. Массагет қўшинлари эронликлар устидан ғалаба қозонади. Кир ҳам шу жангда, милоддан олдинги 529 йилда ҳалок бўлади. Тўмарис Қуёш худоси номига ичган қасамига амал қилиб, Кирнинг бошини танасидан жудо қилиб, қон билан тўлдирилган мешга солиб, шундай дейди: Сен хийла - найранг билан менинг ўғлимни ўлдириб, мени ундан жудо қилдинг. Бу билан мени — сенинг қўшинларингнинг тор - мор қилган кишини тириклайин ўлдирдинг. Мен бўлсам ўз ваъдамга вафо қилиб, сен қотилни қонга тўйдирдим». Қаранг: Доватур А. И., Каллистов Д. П., Шишова И. А. Народы нашей страны в «Истории» Геродота. М., 1982. С. 89—93.

¹⁹Вишневская О. А. Культура сакских племен низовьев Сырдарьи в VII—V вв. до н.э. М., 1973. С. 119, 131.

шак -массагетларнинг қуёшга сиғиниши зардуштра диний эътиқодидан анча олдин вужудга келган бўлиши керак²⁰. Кейинчалик кўчманчиларга хос бўлган қуёшга сиғиниш зардуштра динига ҳам ўтиб, бу дин туфайли ўтрок аҳолининг, жумладан, Сўғдиёна аҳолисининг онгига ҳам сингиган. Зардуштра диний эътиқоди Тошкентга тарқалиши билан унга хос таълимот қовунчиликлар (қанғарлар) орасида ҳам кенг тарқалади. Қовунчи II дан (милодий II—IV асрлар) топилган лойдан ясалган туморларда қуёш акси солинганлиги бу фикримизни тасдиқловчи далилдир²¹.

Қовунчиликлар оловга ҳам сиғинганлар²². Албатта, бу эътиқод зардуштра динининг таъсири натижасидир. Қовунчиликларга оид яна бир қанча эътиқодлар ҳам мавжуд бўлган. Шулардан бири маълум хайвоннинг ғойибона кучига ишониш бўлган, Бу борада кўчкор ва хўкиз алоҳида ўрин тутган. Бунга Қовунчи ва Тошкент воҳасидаги кўрғон харобаларидан археологик қазилмалар натижасида топилган милодий I—VI асрларга оид сопол идишлар мисол бўлади. Қовунчиликлар кўчқорни ҳимоя қилувчи ва тозаловчи куч деб қараганлар. Қовунчитепадан шохли хўкиз бошига ўхшатиб ясалган қозон тагига қўйилган тиргаклар ҳам топилган. Ўша давр кишилари хўкиз бошига ҳимоя кучига эга бўлган, бахтсизликлардан сақловчи илоҳий куч сифатида сиғинганлар. Шундай қилиб Қанғ давлати тарихини ўрганишда Бурғулуқ ва Қовунчи маданияти муҳим археологик манба бўлиб хизмат қилади.

²⁰ Авестонинг энг қадимги қисмларидан бири «Гаталар» Зардушт тузган ва унда ўз таълимотини баён этган деган фикр мавжуд. Қаранг: Гафуров Б. Г. Таджики. С. 49, 61. Демак, Зардушт таълимоти Ўрта Осиёга, Эрон ва Озарбайжонга милоддан олдинги VII—VI асрларда асосий дин бўлиб тарқалган.

²¹ Григорьев Г. В. Краткий отчет о работе Янгиюльской археологической экспедиции 1937. С. 33.

²² Филанович М. И. Кўрсатилган асар, 180-бет.

ЎБОВ ДОВОН ДАВЛАТИ ТАРИХИГА ОИД ЧУСТ МАДАНИЯТИ

Фарғона водийсининг қадимги тарихи ҳақида гап кетганда, одатда, унинг милоддан аввалги VII—VI асрлардан то милодий эранинг V асрига қадар бўлган давр тарихини кўз ўнгимизга келтирамиз. Чунки ундан аввалги давр қадимги Фарғона тарихида ибтидоий жамоа тузуми ва V асрдан бошлаб эса унинг феодал даври тарихи бошланади. Фарғонанинг қадимги давр тарихи қулдорлик даврига тўғри келади. Аммо бугунги кунда қадимги Фарғона ҳақидаги археологик ва тарихий манбалар бу заминда қулдорлик тузуми қандай даражада бўлганлиги ҳақида фикр юритишга етарли маълумот бермайди. Бу давр тарихида ижтимоий-сиёсий ҳаётда эркин жамоа хўжалиги жамият ривожига асосий қатламни ташкил этарди.

Қадимги Фарғонанинг ана шу давр тарихида, Хитой манбаларига кўра, Довон давлати бўлган. Аммо бу давлатнинг қайси асрда пайдо бўлганлиги, қачон инқирозга юз тутиб тарих саҳнасидан тушганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Фақат унинг милоддан аввалги II—I асрларда қудратли Довон давлат уюшмаси бўлганлиги ҳақида қисқа маълумот сақланган, холос. Милоддан аввалги VI—IV асрларда Ўрта Осиёнинг Бактрия, Парфия, Марғиёна, Сўғд, Хоразм каби қадимги деҳқончилик ўлкалари Эрон ахамонийларига тобе бўлиб, у буюк империя таркибида бўлган чоғларда қадимги Фарғона бундай тобеликдан озод эди. Милоддан аввалги IV асрда бу давлат Хоразм давлати сингари македониялик Искандарга ҳам тобе

бўлмаган. Қадимги Фарғонанинг Салавкийлар давлати таркибида бўлганлиги ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумот учрамайди. Демак, Фарғона қадимги даврда ахамонийлар ва юнонлар ҳукмронлиги даврида сиёсий эркини ўз қўлида сақлаб қолган. Юнон муаллифлари фақат салавкийларнинг лашкарбошиси Демодам милоддан аввалги 280 йилда Яксарт (Сирдарё)дан ўтиб юнон худоси Апполон шанига меҳроб (оловхона) ўрнатди, дегаи хабарни қолдирган. Юнон Бактрия подшоларидан бирининг Шарқий Туркистонга Фарғона орқали бир марта қўшин тортиб борганлиги ҳақида ҳам антик тарихчилар маълумот қолдирганлар. Юкорида баён этилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқадиган бўлсак, қадимги Фарғона давлати — Довон милоддан аввалги II асрда эмас, балки анча аввал, III ёки IV асрлардаёқ Ўрта Осиё тарихида шаклланган давлат сифатида мавжуд эди. У қадимда Паркан деб аталган. Унинг Довон номи еса хитойлар томонидан берилган номдир. Хитой манбаларида ёзилишича, милоддан аввалги II — I асрларда Довон аҳолиси кўп, деҳқончилик ва ҳунармандчилик хўжаликлари юксак ривожланган, шаҳарларга бой ва кучли қўшинга эга мамлакат бўлган. Бу тариф, дарҳақиқат, бой археологик материаллар асосида ҳам тасдиқланган. Бу давр қадимги Фарғона тарихида Шўрабашад босқичи деб ҳам юритилади. Шўрабашад Ўзган шаҳри яқинида жойлашган бўлиб, водийнинг йирик шаҳарларидан биридир, унинг майдови 70 гектарга тенг.

Милоддан аввалги II асрда, яни Хитой элчиси Чжяя Сян бу юртга келган даврларда қадимги Фарғонада кучли сиёсий давлат тизими шаклланган эди. Подшолик тепасйда маҳаллий аҳолининг асилзодаларидан чиққан ҳукмдор турарди. Улардан базиларининг номлари хитойчада Мугуа, Чан Фин, Янилийу деб берилган. Ҳукмдорнинг ёнида эпг якин қариндошлардан иккита ёрдамчи бўлган. Ҳукмдор давлат ишларини олиб боришда оқсодоллар кенгашига суянган. Оқсоқоллар кенгаши ҳукмдор билан биргаликда давлат аҳамиятига молик ижтимоий, сиёсий ва диний масалаларни ҳал этган. Шу билан бирга оқсоқоллар кенгаши ҳукмдор фаолиятини муҳим масалаларда назорат қилиб борган. Олий кенгаш олдида ҳукмдорнинг ҳукуқи чекланган эди. Айниқса,

уруш ва тинчлик, дипломатия масалаларда ҳал этувчи куч олий кенгаш кўлида эди. Олий кенгаш ҳукмдорни ҳокимиятдан тушириши, унинг ўрнига янгисини сайлаши мумкии бўлган. Хитой манбаларининг хабар беришига қараганда, ўзга давлат ва унинг қўшини билан бўлган жангларда довлонликларнинг мағлубияти учун олий ҳокимият эгаси ҳукмдор оқсоқоллар кенгаши қарори билан ўлим жазосига торилан. Довон давлатининг сиёсий тузуми шаҳар давлат ёки воҳа давлатларининг эркин иттифоқидан ташкил топган конфедерация эди. Бундай давлат тизимининг вужудга келишида қадимги Фарғонада сўнгги бронза даврида (милоддан олдинги XI—VII асрларда) шаклланган деҳқончилик воҳалари ва улар базасида ташкил топган қадимги шаҳарлар асос бўлди. Ана шундай деҳқончилик воҳаларининг сони қадимги Фарғонада, археологик изланишларга кўра, 10 дан ортиқдир. Шулар жумласига Аравансой, Акбура, Султонобод, Қўрғонтепа, Андижонсой, Корабош, Тентаксой, Майлисой, Улуғнор, Шаҳрихонсой, Акман Йилғинсой ва бошқалар қиради. Уларнинг ҳар бирида ўнлаб антик давр ёдгорликлари бор. Бу воҳаларнинг кўпчилиги сўнгги бронза даврида ўзлаштирилган, милоддан аввалги IV—I асрларга келганда эса улар базасида шаҳарлар қад кўтарган. Бу Хитой сайёҳи ва элчиси Чжан Сян қадимги Фарғонахалқи билан, унинг ҳуқ-атвори, ўрф-одатлари, куч қудрати, табиати ва ҳайвонот дунёси билан танишар экан, у ўз императори номига ҳисобот ёзган ва Хитой императорининг этиборини Довонга тортган. Довон Хитой (Хан) империясининг Ғарб мамлакатлари билан ипак йўли орқали савдо-сотиқ ишларини юритишда жуда муҳим юрт ҳисобланарди. Фарғонанинг самовий дул дуллари—арғумок отлари Хан императорларини Даванни ўз тасарруфига олишга ундарди. Шу мақсадда Хитой Фарғона халқи устига қўшин тортиб боришга баҳона қилдиарди. Милоддан аввалги 104 йилда баҳона ҳам топилди. Фарғоналиклар томонидан Хитой фуқароси Че Лиининг ўлдирилиши уларга Довонга қўшин тортиб боришга баҳона бўлди. Хитойликлар Довон устига қўшин тортиб борар экан, дастлаб Фарғона юришини кўз ўнгига келтириб олмаганлар. Узоқ йўл, ҳар қадамда маҳаллий

хокимлар қўшинлари билан бўлиб турадиган тўқнашувлар Хитой армиясининг тинкасини курутди. Улар Фарғонани эгаллаш у ёқда турсин, хатто биронта арғумок олишга ҳам эриша олмай, милoddан аввалги 102 йилда катта сонли қўшиндан қолган қолдиқ билан зўрға Хитойни Дун Хуан шаҳрига қайтади.

Бироқ хитойликлар бир йилдан сўнг, милoddан аввалги, 101 йилда 60 минг кишилиқ қўшин билан Фарғона иккинчи марта ҳарбий юриш уюштиради. Уруш хитойликлар учун енгил кўчмади. Қўшинга 50 дан ортиқ тажрибали лашкарбошилар бошчилиқ қилди. Бу сафар урушга махсус тайёргарлик кўрилди. Армияга шаҳарлар камал ҳолатга ўтганда сувсизликдан таслим этиш чораларини кўрувчи мутахассислар, арғумок отларни танлай оладиган мутахассислар жалб этилди, отлар учун курук йем-хашак ғамланди. Биринчи жангдаёқ хитойликларнинг қўли баланд келиб, доvonликлар чекинадилар. Ерли аҳоли сонли Хитой аскарлари билан очик майдонда жанг қилишдан қочиb, майда-майда гуруҳларга бўлиниb қалаларга янширинадилар. Ниҳоят, Хитой қўшинлари Довон давлатининг пойтахти Эршини (ҳозирги Марҳамат шаҳар харобаси) камал қиладилар 40 кунча давом этган камалдан сўнг душман шаҳар ташқи деворини бузиb, шаҳар ичига киради ва унинг бир қисмини эгаллайди. Аммо мудофаачилар ҳам бўш келмайдилар. Довон подшолигининг оқсоқоллар кенгаши ўз вакилларини хитойликлар ҳузурига юбориб, душман олдига ўз шартларини қўядиар. Улар, агар Хитой армияси ҳарбий ҳаракатни тўхтатса, ўз ҳукмдори кайсар Мугуани ўлдиришни ҳамда бир неча самовий дулдуллар ва Хитой армияси учун емак беражакларини вада қиладилар. Агар бу шартларга кўнмаса мудофаачилар қаршилиқ кўрсатишни давом эттиражакларини ва олдиндан келишувга кўра уларга Қапғуй қўшинлари ёрдамга яқин кунлар ичида келишини хабар қиладилар. Ҳолдан кетиb, тинкаси куриган хитойликлар бунга рози бўлиb, бир неча арғумок отлар ва 3 минг бошқа турдаги отлар олиb қайтадилар. Хитой тарихчиси Сима Цяннинг хабарига кўра, Мугуа ўлдирилиb, унинг ўрнига Фарғона давлатининг собиқ ҳукмдори Моцойни тахтга ўтқазадилар.

Шундан сўнг икки орадаги уруш тўхтайди ва Хитойнинг қолдиқ аскарлари йўл-йўлакай кутилмаган тўсқинликларга учраб, Шарқий Туркистонга йўл оладилар. Узган аҳолиси хитойликлар қолдириб кетган қўшинни озиқ-овқат ва ем-хашак билан таминлашдан бош тортиб, бутун отрядни қириб ташлайди. Буни эшитган Хитой қўшини яна ортига қайтиб, Ўзганни қаттиқ жанг билан қўлга киритади, Канг давлатига қочиб кетган таҳар ҳокимини хитойликларга топширишни талаб қилади ва уни қўлга ки-ритгач бошини танасидан жудо этади. Бирок, бу тадбирлар ерли аҳолини тинчитирмайди. Хитой армияси Довондан чиқиб кетиши биланок аҳоли Моцойни тахтдан тушириб, Мугуанинг инисини ҳукмдор қилиб кўтаради.

Милоддан аввалги II —I асрларда, Хитой манбалари қолдирган малумотларга кўра, Довонда деҳқончилик маданияти авж олган, йилқичилик ривожланган. Чжан Цяннинг сўзларига қараганда, бу заминда ҳаммаси бўлиб 70 га йақин обод шаҳарлар бўлган. Уларда бир неча юз минг аҳоли яшаган. Улар ерга ишлов беришда тенги йўқ миришкорлар бўлиб, шоли, буғдой ва бошқа экинларни экканлар. Боғдорчилик, биринчи навбатда узумчилик кенг ривожланган. Узумдан шарбат қилиш яхши йўлга қўйилган. Бой ер эгаларининг ертўлаларида бир неча 10 йиллар аввал тайёрланган винолар сақланади, дейди Чжан Цян. Бирок уларда Парфия, Бақтрия, Хоразм, Сўғдийларда бўлгани сингари танга пуллар зарб этиш бўлмаган. Савдода пулсиз мол айирбошлаш кенг йўлга қўйилган.

Антик давр Фарғонасида ҳунармандчилик ўзининг қатор тармоқлари бўйлаб кенг ривожланган. Тўқимачилик ва кулолчиликда ҳам ижобий ҳолатлар кузатилади. Ижтимоий ва сиёсий ҳаётда аёлларнинг ўрни катта бўлган. Уларга нисбатан ҳурмат кучли эди. Хитой тарихчиларининг ёзишича, агар аёл эрига бирор топшириккилса, эр топшириқни бажармасликни ҳаёлига ҳам келтира олмаган. Хитой тарихчилари қадимги Фарғона аҳолисини ташқи қиёфада қанғарларга ўхшаб кетади, улар чуқур кўзли ва калин соқолли бўлганлар, деб тарифлайди. Чжан Цян Довондан (Фарғонадан) то Анси (Парфия)гача бўлган ҳудудларда яшовчи аҳолининг тили ҳар хил бўлсада,

аммо улар бир-бирларини тушинишини, уларнинг урф-одатлари ҳам бир-бирларига ўхшаш бўлганлигини такидлайди. Хитой айғоқчиси Чжан Цяннинг Довон давлатининг қудрати ҳақидаги малумотлари ҳам этиборга лойикдир. Довон 60 минг қўшинга эга эди. Пиёда аскарлари отлик қўшини ҳарбий маҳоратда тенги йўқ бўлган. Уларнинг чопар от устида туриб орқага қайрилиб камондан узган ўқлари душманни доғда қолдирарди. Уларнинг аёллари ҳам камондан ўқ узишда ўз эрларидан қолишмаган. Довонликлар ғарбда қанғиллар шимолда усунлар, шарқда аса уйғурлар билан яқин алоқада бўлишган. Хитой билан бўлган жангларда уларни ҳар доим қанғуйлар қўллаб қувватлаганлар. Қадимги Фарғона давлати милодий эраининг дастлабки юз йилликларида маҳаллий аслзодалар сўлоласи бошқарган. Хитой манбаларига қараганда, қадимги Фарғонани 410 йилгача бир сулола (хонадони) вакиллари уз-луксиз бошқариб келган. Ўрта Осиё ҳудудларида Эфталлар давлати қарор топган, қадимги Фарғона давлати ўз мустақиллигини йўқотган.

Ўзбекистоннинг қадимги тарихини тадқиқ этишдаги Мураккаб муаммолардан бири — Ўзбекистон цивилизацияси ва, миллатчилигининг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиш босқичлари ҳисобланиб, бу жараёнда шаҳарлар шаклланишини ўрганиш Муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолат цивилизация ва давлатчилик урбанистик хусусиятларни ўзида акс эттирувчи қонуниятга эга эканлиги билан изоҳланади. Чунки, ҳар бир тарихий даврда айнан шаҳарлар давлат салоҳиятининг маъмурий, ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий марказлари сифатида мавжуд бўлган. Шаҳарларда хунармандчилик ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ, бошқарув тартиби ва ҳарбий . гарнизонлар, ўз даврида йетакчи бўлган динларга хос ибодатхоналар марказлашган ва фаолият кўрсатган. Шунинг учун ҳам ўлкамиз тарихи ва маданиятини ёритувчи турли даврларга оид тарихий ва тарихий-сорафий манбаларда солномачилар Ўрта Осиё шаҳарларига катта эътибор қаратганлари тасодиқий ҳол эмас.

Айни вақтда шаҳарларнинг шаклланиши мураккаб ва узок давом этган жараёнлигини ҳам таъкидлаш жоиздир. Шаҳарлар давлатчилигининг

дастлабки босқичларидаёқ пайдо бўлиб, унинг ривожланиши, гуллаб-яшнаши ва инқирозий ҳолатларини ўзида акс эттиради. Аммо давлатлар тараққиётининг илк босқичлари ёзма манбаларда жуда кам акс этган бўлса, илк шаҳарлар ҳақида деярли маълумотлар учрамайди. Ёзма манбалар урбанизация масалаларининг бу жараён гуллаб-яшнаган даври ҳақида маълумот беради, холос.

Археологик материаллар бу жараённи илк босқичларини урганиш, тушуниш ва англаб етиш учун муҳим бўлган ҳамда Шаҳар тизимининг асосий жиҳатлари - бошқарув ҳокимиятининг белгиси бўлган ҳарбий-мудофаа ва маъмурий, ривожланаётган давлатчилик белгиси бўлган ижтимоий-иерархик хусусиятлар, турли хунармандчилик-ишлаб чиқариш белгилари, савдо-сотиқ ва маданият алмашувининг марказлари, диний эътиқодлар марказларининг белгилари каби кўплаб шаҳарлар тарихи ва ривожини акс эттирувчи томонлар асосан, археологик топилмаларда ўзифодасини топади. Шунинг учун ҳам қадимги шаҳар харобаларида бу жараённи ўрганишимиз учун муҳим бўлган ҳақиқий тарихнинг излари ва қолдиқлари сақланиб қолганлиги шубҳасиздир.

Айни вақтда археологик материаллар ўзига хос ва мураккабдир. Ёзма манбалардан фарқ қилган ҳолда, улар сақлаб қўйиш ёки авлодларга маълумот етказиш мақсадида махсус бунёд этилмай, қадимги тарихий жараёнларнинг махсули ҳисобланади. Тарихий информация археологик материалларда ашёвий буюмлар, нарсалар ёки маконлар шаклида муҳрланган бўлиб, улар ижтимоий ва сиёсий тарих учун тўғридан-тўғри тўлиқ факт бўла олмайди. Айнан шунинг учун ҳам уларни тарихий, ижтимоий ва маданий умумлаштириш даражасига кўтаришни фақат археологик материалларни таҳлилий услуб орқали тарихга йўналтириш ёки тарихга айлантириш йўли билангина амалга ошириш, изохлаш ва талқин этиш мумкин.

Объектлар типологияси тартибини ишлаб чиқиш, материаллар хусусиятларини таҳлил этиш ва улар асосида ҳақиқий мавжудлик орасидаги

узвийликни очиб бериш археологик материални қайта ишлаб тарихий манбага айлантиришга имконият яратади. Бу жараёни объектив ёритиш учун тартибли ёндашув ёки тадқиқ этилаётган мавзу бўйича тадқиқотчилар томонидан тўпланган археологик манбаларни мумкин қадар кўпроқ эгаллаш ва уларни чуқур таҳлил қилиш лозим бўлади. Бунинг учун тадқиқотчида материалларни сифатий археологик шарҳлаш ёки изохлашни амалга оширишда тарих фанининг муҳим илмий-тадқиқот йўналиши сифатида маълум археологик тайёргарлик ва билимлар зарур бўлади. Бу билимлар машҳур мажмуалар билан биргаликда турли йилларда очилган объектларни аниқлаш, уларнинг тузилиш жиҳатлари, объектларнинг . маълум ҳудудий ва тузилиш гуруҳлари типологиясини ўрганишни талаб этади. Бундай таҳлил эса кейинги босқичда археологик манбаларни социологик ва маданиятшунослик тадқиқотлар даражасида ёки тарихий манбалар даражасида тушуниш учун кенг имконият яратади.

Қадимги ишлаб чиқариш жараёнларини тарихан қайта тиклаш тадқиқотнинг муҳим қисми ҳисобланиб, уларни умумлаштириш шаҳар ва давлат иқтисодий тарихини тарихийлик нуктаи назаридан очиб бериш имкониятини яратади. Ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга бўлган ўзгаришлар шаҳар ҳаёти тузилишининг ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун ҳам турли даврларга оид шаҳарлар ўзига хос тузилиш шаклига эга бўлади. Шу билан биргаликда шаҳарлар сифатий жиҳатдан бошқа аҳоли жойлашуви пунктларидан фақат шаҳарга хос бўлган хусусиятлари билан ҳам фарқланадики, бу жиҳатларни аниқлаш ва ўрганиш тадқиқотчи-урбанологларнинг ҳозирги пайтдаги муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Турли босқичларда шаҳарларнинг узоқ вақт мобайнида шаклланиши, таркибий қисмларининг ривожланиши, шаҳар тузилмасининг шаклланиб бўлган жиҳатларининг турлича ривожланиши ва турли географик зоналардаги аҳоли жойлашув пунктларидаги шаҳарга хос бўлган жиҳатларни аниқлаш жуда мураккабдир. Чунки, айрим гуруҳ шаҳарлар маъмурий

марказлар сифатида ривожланса, айрим гуруҳ шаҳарларда ҳарбий-мудофаа, маданий ёки ишлаб чиқариш вазифалари устунлик қилади.

Шунинг учун ҳам дастлабки шаҳарларнинг таркибий қисмларини тадқиқ этиш - археологик материалларнинг жуда кўплиги нуқтаи назаридан кўп қирралидир. Археологиядаги таркибийлик фақатгина моддий маданият объектларини прагматик ўрганиш бўлибгина қолмай, балки умуман жамиятнинг ижтимоий ривожланиши тарихи, фан, маданият, эътиқодлар ва санъат, этногенез ва демографик жараёнлар, давлатчиликнинг шаклланиши ва шаҳар маданиятининг ривожланиши тарихи ҳамдир. Археологик манбаларнинг ушбу жиҳатларини ўрганиш учун махсус илмий конференциялар ва иазарий тадқиқотлар ўтказилган. Бошқа муаммолар қатори уларда жамият фаолиятининг муҳим йўналишлари марказлашган ва жамият ривожланиш даражасининг ўзига хос кўрсаткичи бўлган шаҳар масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Археологлар археологик манбалар орқали шаҳарни кўп вазифали ижтимоий алоқаларнинг мураккаб тартиби сифатида тадқиқ этадилар. Таъкидлаш жоизки, шаҳарларнинг ривожланиши жараёнида улар бажараётган кўпгина вазифаларнинг роли ўзгаради, айримлари йўқолиб боради, айримлари эса мукаммалаша бориб нисбатан юқори босқич даражасига кўтарилади. Аммо асосий вазифалар аҳолининг бир ерга зич жойлашуви, савдо-сотиқ ва қишлоқ хўжалиги бўлмаган фаолият (хунармандчилик, ҳарбий, маъмурий ва маданий марказ) барча даврларда сақланиб қолади.

Буларнинг барчасига аниқлик киритиш археологик манбаларни таҳлил этиш, қайта ишлаш ва тарихийликка йўналтиришни талаб этади. Маълумотлар таҳлилига назарий ёндашув ва археологик материалларни қайта ишлаб маданиятшунослик ва социологик даражада тарихий манбага айлантириш асосий таянч билим бўлиб, В. М. Массон томонидан шаҳарлар тарихини ўрганишда қўлланилган. Тадқиқотчи археологик манбаларни талқин қилишнинг иккита: маданиятшунослик ва социологик даражасини

ажратади. Маълумки, археологик материаллар мавжуд бўлган буюм-маҳсулот шаклидаги маданиятни аниқ танлашни ўзида акс эттиради. . Маълум минтақадаги турли манбаларни маданиятшунослик жиҳатидан талқин этиш биз учун муҳим бўлиб, улар маданий мажмуалардаги ажралиб турадиган сара жиҳатлари, ҳокимият рамзи ва илк цивилизацияларни аниқлаш имконини беради, Бу ҳолат урбанизациялашган маданият белгиларидан биридир.

Яна кўпгина урбанистик белгиларни социологик талқин ўзида акс эттириб, у ривожланиш босқичидаги ишлаб чиқариш жараёнини, меъморчилик турларини, манзилгоҳга оид тузил-маларни очиб берувчи археологик материалларда, ўз ифодасини топади. Бу ерда материаллар маълум тарихий хусусиятга эга бўлган шаҳармонанд илк шаҳар-ривожланган шаҳар маконга оид тизими шаклланадиган урбанистик тизимни, унинг шакллари ва жиҳатларини очиб беради. Материалларнинг тартиби ва тахлили мураккаблашган ижтимоий тузумдаги тарихий жараёнларни, жумладан, илк шаҳар белгилари, шаҳармонанд манзилгоҳлар, илк шаҳарлар, ривожланган шаҳар марказлари тизими тарихини ишлаб чиқиши учун кенг имкониятлар яратади.

Таянч археологик маълумотга эга бўлган ушбу дарслик муаллифи бой археологик материаллар тахлили асосида қадимги Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихининг давлатчилик жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳармонанд, илк шаҳар ва шаҳар босқичларини тадқиқ этишга ҳаракат қилади. Археолог олимларимиз томонидан шаҳарлар ҳақида жамлама хусусиятга эга бўлган маълумотлар берилган бўлсада, уларда бутун минтақа миқёсида археологик материалларни тарихий йўналиш жараёнига махсус жорий этишга ҳаракат қилинмаган. Бу ҳолат Ўзбекистоннинг қадимги тарихини тадқиқ этишдаги диссертациявий тадқиқотларда яққол кўзга ташланади ва диссертант ушбу бўшлиқни имкон қадар тўлдиришга ҳаракат қилади.

Ундан ташқари, бугунги кунда республикаимиз тарих фани олдидаги муҳим вазифалардан бири - жамият тарихини объектив ўрганиш ва халқимиз тарихий хотирасини қайта тиклаш, давлатчилик ва шаҳарлар пайдо бўлишининг асослари, босқичлари ва шакллари ўрганиш, бу жараёнлар ривожланишининг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий томонларини тадқиқ этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон қадимги тарихини ўрганиш нақадар муҳим эканлиги Президент И.А.Каримовнинг масалага бағишланган асарида алоҳида таҳлилни топиб, ўзбек халқи давлатчилиги тарихидаги бой тарихий-маданий жараёнларни тадқиқ этиш долзарб муаммо тарзида махсус таъкидлаяди. Фикримизча, археологик маълумотлардан тарихнинг қадимги давларини ёритишда фойдаланиш ва бу жараёнда давлатчилик ҳамда қадимги шаҳарлар тарихига алоҳида эътибор қаратиш айнан юртбошимиз таъкидлаган долзарб муаммолар сарасига киради.

Ушбу муаммолардан келиб чиқиб, жамият қадимги тарихини ҳар томонлама таҳлил этиш шуни кўрсатадики, давлатчилик ва дастлабки шаҳарлар сиёсий институтлар тартибининг илк босқичларида пайдо бўлади ҳамда бу жараён иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг тубдан сифатий янги босқичи билан изоҳланади.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, шаҳарлар ва давлатчилик цивилизация ривожининг асосий сабаби бўлса, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича эса, бу жараён цивилизациянинг асосий босқичларидан биридир, Ҳар қандай фикрларга қарамасдан, барча тадқиқотчилар давлатчилик ва шаҳарлар цивилизациялашган жамиятнинг асосий белгиси эканлигини яқдиллик билан эътироф этадилар. Диққатга молик томони шундаки, жамият. тараққиётига цивилизацион ёндашув республикаимиз олимлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, яқин пайтгача ўтмиш тарихни ургапишда уни бетиним синфий курашлар, ижтимоий исёнлар ва можаролар сифатида

талқин этиш методологияси устунлик қилибкелди. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига сезиларли туртки берган кўпгина тарихий-маданий жараёнлар рад этилиб, цивилизацион ёндашув унутиб қўйилди. Фикримизча, тарихга (айниқса, унинг илк босқичларига) бўлган цивилизацион ёндашув - синфий ёндашувни ва маълум халқ менталитетини. нисбатан юқори кўришни рад этади. Чунки, давлатчилик ва шаҳарлар тарихини чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этиш жараёнида цивилизация кўп ҳолларда маҳаллий хусусиятга эга бўлса-да, моҳиятан умуминсоний жараён эканлиги исботланди.

Айни пайтда яна шуни таъкидлаш лозимки, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича. тарихга фақат цивилизацияни қиёсий ёки солиштирма ўрганиш асосида ёндашув доим ҳам ўзини оқламайди. Унинг қизиқарли ва истиқболи борлигига қарамасдан, умуминсоний қадриятлардаги аниқ аҳамияти ва цивилизацион ёндашувда инсоният жамиятини ўрганишдаги қарашларнинг торлиги ва бир ёқламалигининг устунлиги сезилади. Ривожланиш жараёнидаги айрим цивилизациялар ўзининг юқори чўққисига кўтарилса, айримлари ривожланишнинг қуйи поғонасида бўлади. Бизнинг фикримизча, цивилизация ҳаракатининг кўп қиррали йўналиши билан биргаликда жамият тараққиётини ўрганишда кишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик ишлаб чиқаришнинг нисбатан тез тараққий этиявдга туртки бўлган иқтисодий тузилишининг таҳдили, унинг йўналиши ва ривожланиш даражаси муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, муаммони чуқур таҳлил этиш натижалари шуни кўрсатади-ки, давлатчилик ва шаҳарлар тарихи — бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган кўп қиррали ва мураккаб масала бўлиб, алоҳида тадқиқотчилар ҳамда бутун илмий жамоалар изланишларини талаб этадиган ўта муҳим илмий муаммолардан ҳисобланади.

Демак, археология фани ўрганадиган моддий манбалар турли меҳнат куруллари, ҳарбий яроғлар, заргарлик буюмлари, турли хом ашёлардан ишланган идишлар, шунингдек, меъморчилик ёдгорликлари - кўҳна шаҳар

ва қишлоқ харобалари, турар-жой бинолари, устахоналар, саройлар, ибодатхоналар, истехкомлар, мудофаа иншоотаари ва шу кабилардаи иборатдир. Бу манбаларга қараб ўтмиш аجدодларимизнинг ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш жараёни, турмуш тарзи ва моддиймаданияти ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилиш мумкин ва энг муҳими, минтақамиз ҳудудларидаги қадимги аҳолининг бунёдкорлик фаолияти ҳамда шаҳарлар ва давлатчилик тарихининг энг қадимги даврлари бўйича муҳим маълумотлар олиш мумкин. Айнан шунинг учун ҳам дарсликни яратишда археологак маълумотлардан кенг фойдаландик.

Давлатчилик ва урбанизация. Қадимги Шарқ ҳудудлари ва унинг таркибий қисми бўлган Ўрта Осиё цивилизацияси давлатчилиги масалаларини ўрганган кўпгина тадқиқотчилар хулосаларига кўра, бу жараён ўзининг бошланган давридан бошлаб кейинги ривожланиш босқичларигача айнан урбанистикхусиятга эга бўлган эди.

Маълумки, урбанизация жамият тарикқиётининг эиг мураккаб жараёниларидан бири ҳисобланади. Ибтидоий жамоа тузумидан . нисбатан юқори ривожланган ижтимоий тузумга ўтиш даврида пайдо бўлган урбанизация - жадал ўсиб бораётган тараққиётни ўзида акс эттириш билан бирга иқтисодий ривожланишни таъминловчи ишлаб чиқариш тармоқлари - қишлоқ хўжалигидан хунармандчиликнинг ажралиб чиқиши, маҳсулот алмашинуви, ихтисослашган савдо-сотиқнинг ўсиб бориши, ижтимоий . тузилмалар ва бошқарув органларининг шаклланиши, ишлаб чиқаришни назорат қилиш ва кўриқлаш,. жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солишни ифодалайди.

Урбанизация - жамиятдаги маданий ва ижтимоий вазифаларнинг ривожланиш жараёни ҳамдир. Ушбу глобал масалалар билан узоқ йиллар шуғулланган таниқли шарқшунос олим Б.А.Литвинскийнинг таъкидлашича, Ўрта Осиё урбанистик цивилизация тартибига кирган бўлиб, бу тартиб Евросиёнинг жанубий ва ғарбий қисмларини қамраб олган эди. Бу

урбанистик цивилизация атрофида эса дашт, ўрмон-дашт, арктик шаклдаги цивилизациялар мавжуд эди.

Қадимги дашт, ўрмон-дашт ва арктик ҳудудларнинг цивилизация даражаси ва давлатчилиги ҳақидаги масалалар узоқ йиллар олимларнинг илмий баҳсларига сабаб бўлиб, бу баҳслар қозирги кунда ҳам давом этмоқда. Айрим тадқиқотчилар, масалан, Л.М.Тайлор ва Т.В.Вильрондлар тўғридан-тўғри цивилизация ва уи шакллантирувчи давлатчилик фақат шаҳарларда ривожланганлиги ҳақидаги фикрни билдирдилар.

Бир қатор олимлар цивилизация ривожланиш манзарасини нисбатан мураккаб деб ҳисоблайдилар. Жумладан, юқорида номи келтирилган Б.А. Литвинскийнинг фикрича, жамият тараққиётини синчиклаб ўрганиш - деҳқончилик ва чорвадор жамиятларнинг мураккаб тарихи аралашиб кетган бир қатор археологик маданиятларга бўлинганлигини кўрсатади. Шунингдек, чорвадор гуруҳларда ҳам айрим ўтроқ ва урбанистик белгилар пайдо бўлади.

Цивилизациянинг чорвадор қабилаларга хос томонларига ҳозирги кунда кам айниқса катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, А.И.Оразбаеванинг Евросиё даштлари кўчманчиларининг ижтимоий-маданий мажмуалари ва кўчманчи халқлар (номадлар) давлатчилиги масалаларига бағишланган ишларини эслатиб ўтиш жоиз. Фикримизча, бу мавзулар ниҳоятда долзарб бўлиб, цивилизация тадқиқотларнинг алоҳида йўналиши сифатида махсустадиқ этилиши лозимдир.

Бизнинг тадқиқотларимиз Урта Осиё ўтроқ деҳқончилик воҳаларидаги урбанистик жараёнлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, таъкидлаш лозимки, кўчманчилар цивилизацияси ва давлатчилигини эътироф этувчи ёки унга қарши чиқувчи барча тадқиқотчилар қадимги Шарқнинг турли ҳудудларидаги қадимги давлатчилик цивилизациясида бўлгани каби Ўрта Осиё воҳаларида давлатчилик урбанистик хусусиятга эга бўлганлигини яқдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар.

Урбанистик жараёнлар ривожланишининг асосий субъекти махсус маконга оид тузилиш - шаҳар ва унинг атрофидаги у билан боғлиқ бўлган ҳамда шаҳарларга айланиб борувчи манзилгоҳлар ҳисобланади.

Социологлар шаҳарни нисбатан бир марказ атрофида мужассамлашган ва умумжамоа меҳнат тақсимоти жараёнини ўзида акс эттирувчи, давлатчилик ва цивилизация тизимининг турли босқичларида янги вазифаларни бажарувчи ҳудуд сифатида изоҳлайдилар. Бу ҳудудда қишлоқ хўжалиги билан шуғуллан майдиган, яъни ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш, меҳнатни қайта тақсимлаш, маъмурий, ҳарбий-қўриқлаш, диний-маданий вазифаларни бажарувчи, фан, маданият ва иқтисодиёт ривожланишини жадаллаштирувчи ёки бир сўз билан жамият цивилизация тизимини шакллантирувчи шахслар фаолият кўрсатади

Шаҳарларда атроф қишлоқ манзилгоҳларига нисбатан аҳоли кўпроқ ва зичроқ жойлашади. Унда жамиятининг кўпгина функциялари - ерга бевосита ишлов бермайдиган, ҳунармандчилик, маҳсулот тақсимоти ва алмашинуви, пул муомаласи, маҳобатли қурилишлар, диний-маданий ва маъмурий мажмуалар кабилар шаклланади.

Шу нуқтаи назардан ҳам шаҳарлар жамият тараққиётининг ўз давридаги сифатий янги кўриниши эди. Архаик давр ва айнан цивилизация бўсағасида пайдо бўлган шаҳарлар - нафақат цивилизациянинг таркибий қисмларидан бири балки, давлат билан биргаликда унинг асосий белгиларидан бири бўлди. Шунинг учун ҳам бундан салкам 60 йил илгари қадимги цивилизациянинг машҳур тадқиқотчиларидан бири Вир Гордон Чайлд жамият тарихида шаҳарларнинг пайдо бўлишینی «революцион ҳолат» деб атаган. Эди ҳамда ўзининг махсус монографиясини «шаҳар революцияси» деб номлади..

Шаҳар - кўп вазифали мураккаб тузилма бўлиб, қишлоқ манзилгоҳларидан ишлаб чиқариш ва аҳолининг бир ерга зич жойлашуви, жамиятдаги келиб чиқиши ҳар хил бўлган эркин ижтимоий гуруҳлар, фан ва

маданият соҳасида ўзаро алмашинув билан боғлиқ алоқалар, кўпвазифалик ва маданиятларнинг ўзаро таъсири жиҳатидан ажралиб туради.

Шаҳарларнинг кўп вазифалик ҳолати - урбанизация масалалари билан шуғулланаётган тадқиқотчиларга шаҳарни аҳоли жойлашув пункти таркиб сифатида ажратиш жараёнида қийинчилик туғдиради. Шаҳар деганда нимани тушуниш лозим деган савол билан махсус шуғулланган америкалик тадқиқотчи Р.Сомплинсон шаҳарларни аниқлашдаги 15 та белгини таклиф этган эди. Уларнинг асосийлари қуйидагилар: шаҳар қишлоққа нисбатан кўп аҳолили манзилгоҳ; шаҳар - аҳоли зич жойлашуви билан фарқланади; шаҳарнинг асосий вазифаси - маҳсулот тарқатиш; шаҳар - алоқа йўллари маркази; шаҳар - истеъмол маркази ва бошқалар. Шунингдек, тадқиқотчи муҳим белги сифатида шаҳарни саноат маҳсулотлари маркази ҳисоблаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан банд бўлган қишлоққа қарама-қарши. кўяди.

Албатта, бу ўта муҳим белги бўлсада, фикримизча, ягона ҳам эмас. Шаҳар муаммоси нисбатан мураккаб ва кўпқирралидир. Шуинг учун ҳам нафақат тарихчи-археологлар, балки иқтисодчилар, географлар, социологлар шаҳарларнинг ҳудудий-урбанистик тузилиши, шаҳар тартибида табиий-географик омилларнинг аҳамияти, урбанизациянинг кенг ҳудудларга тарқалиши, жамиятнинг иқтисодий тараққиётида шаҳарларнинг ўрни, шаҳарлар ривожланишининг ижтимоий жиҳатлари кабиларни тадқиқ этганлар. Шаҳарлар қурилиши масалалари, турли даврларга оид шаҳарларнинг режавий тузилишига ҳос жиҳатлар ва қонуниятлари, меъморий тузилиш- йўналишларнинг ўзига ҳос томонларини эса меъморлар тадқиқ этадилар.

Фикримизча, тарих фанида урбанистик жараёнларни тадқиқ этишнинг нисбатан кенг қамровли бўлиши учун давлатчилик тараққиёти босқичларини ҳар томонлама тадқиқ этаётган пайтимизда, унинг ажралмас қисми сифатида шаҳарларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Чунки, шаҳарлар

шаклланиши ва ривожланишнинг умумий қонуниятлари фақат бутун жамият ривожини билан боғлиқ, бўлган урбанистик жараёнлар тартибида аниқланади, Урбанистик муносабатлар ривожланиши жараёнида айрим вазифалар ўзгаради, айримлари йўқолади, айримлари мураккаблашиб нисбатан юқори даражага кўтарилади. Шаҳарлар шаклланиш шароитларини, уларнинг аниқ тузилишини, турли географик минтақалардаги шаҳарлар ривожланишининг умумий ва ўзига хос томонларини очиқ бера диган манбаларга мурожаат этиш улкан аҳамиятга эга. Афсуски, Ўрта Осиё дастлабки шаҳарлари пайдо бўлиши ва уларнинг дастлабки ривожланиш босқичлари ҳақида маълумот берувчи ёзма манбалар сақланмаган. Бу йўналишда асосан археологик маълумотларга мурожаат этганимизнинг яна бир сабаби ҳам ана шундир. Милоддан аввалги II минг йилликнинг охирига келганда чорвадор аҳолининг бир қисми бугунга келиб ўзларига ўтроқ ҳаёт кўришни афзал кўрганликларини кўрамыз. Худди ана шу жараёнинг тимсоли сифатида Қадимги Фарғона илк деҳқончилик маданияти пайдо бўлади. Ана шу бободеҳқонларимизнинг дастлабки қишлоқларидан бири 1951 йилда М. Э. Воронец томонидан Чуст шаҳри яқинидаги Буванамозор деб аталган булоқ ёқасидан топиб ўрганилади. Археологлар бу ёдгорликка шартли равишда Чуст маданияти деб ном берганлар. Чунки Буванамозордаги сўнги бронза даврига оид бу ёдгорликка яқин йирик аҳоли жойи Чуст шаҳри еди. Шундан сўнг тарихий ва археологик асарларда Ўзбекистон тарихининг қадимги харитасида Чуст маданияти ўз ўрнини топади. Чуст маданияти Фарғона водийсида ўрганилган энг қадимги деҳқон жамоалари маданиятидир. Ҳозирги кунда Чуст маданиятига оид ёдгорликлар водийда 80 дан ортиб кетди. Уларни йил санаси милоддан аввалги II минг йилликнинг охири I минг йилликнинг биринчичораги билан белгиланади. Бу маданиятга тегишли ёдгорликлар Фарғона водийсининг шимолий (Наманган вилояти) ва шарқий (Андижон вилояти) вилоятларида кенг тарқалган. Ҳозиргача 10 дан ортиқ ёдгорликларда археологик қазилмалар ўтказилган. Чуст маданиятига доир ёдгорликлар тоғ олди сой этакларида, уларнинг ўрта оқимида, воҳанинг

текис районларида учрайди. Айниқса Қорадарё хавзасида, унинг ирмоқлари бўйлаб Чуст маданиятига доир дехқончилик қишлоқлари қад кўтарган. Чустда М.Э. Воронецдан кейин В.И.Спришевский Б.Матбобоевлар ҳам қазишма ишлари олиб борган. Яна бир ёдгорлик Ю.А.Заднепровский томонидан Қорадарё ирмоқларидан бири Далварзинтепада ўрганилган. Қазишмалар Қорақўрғон, Тўрақўрғон, Терговчи, Язтепа, Гўримирон, Ғайраттепа, Чимбой, Ашқалтепа каби ёдгорликларда ўтказилди. Уларни барчаси Чуст маданиятига оид бўлиб улардаги 1,5 - 3 метргача қалинликда сақланган маданий қатлам Чуст маданияти аҳолисининг ўтроқ ҳаёт кечирганликларидан далолат беради. Чуст маданияти ёдкорликлари тарихий топографик икки типга бўлинади: 1. Майдони бир гектаргача бўлган майда қишлоқлар. Уларнинг ҳар бири бир оила жамоасининг асосини ташкил этган. 2. Майдони 10 ва ундан ортиқ гектарга тенг бўлган қишлоқлар. Олимлар археологик қазишмалар натижасида қўлга киритилган ашёвий далилларга асосланиб Чуст маданияти материалларини икки даврга бўладилар. Унинг биринчиси бронза Даврининг сунгги босқичига оид. Иккинчи босқичи хронологик даврлаштиришда милоддан аввалги VIII—VII асрларга тегишли бўлиб, бу босқич материаллари илк темир даврига тааллуқлидир. Бу даврда Чуст маданияти қишлоқларида оташпарастлик диний қарашлари расмийлашади. Чуст қишлоқлари атрофида мудофаа деворлари барпо этилади. Масалан, Далварзинтепа мисолида милоддан аввалги VIII—VII асрларда қадимги Фарғонанинг илк шаҳри шаклланади. Бу шаҳар икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи — Ўрда қисмида жамоа ҳукмдорининг қароргоҳи жойлашган. Ўрданинг чор атрофидаги қалин мудофаа деворлар қолдиқлари Буванамозордаги Чуст қишлоғида, Ашқалтепада ҳам топилган. Чустда хом ғиштдан ишланган деворнинг қалинлиги 3 метр, унинг баландлиги эса 3,5 метрга тенг булган. Чуст маданияти ёдгорликларини қазишма жараёнида уларнинг қуйи қатламидан доира шаклида қурилган куплаб ўралар топилган. Масалан, Чуст маконида 60 дан ортиқ Чимбой маконида эса 16 та ана шундай ўралар очилган. Бу ўраларнинг қандай

мақсадда қурилганлиги тўғрисида ҳар хил фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар уларни кулба деб талқин этса, бошқа бир гуруҳ олимлар Фарғона водийсида яқин кунларгача анъана бўлиб келган ғалла омбори, ғалла ўралари деб биладилар. Бу хулоса ҳақиқатга бир оз яқиндир, чунки уларнинг майдони яшаш жой—кулбалар учун нокулай эди. Чуст маданиятига доир ёдгорликларнинг қуйи қатламида гувала ёки хом ғиштдан қурилган кулбалар учрамайди. Ёиштдан қурилган уйлар—хонадонлар қолдиклари Чуст маданияти тарихининг иккинчи босқичида пайдо бўлган. Дастлаб қадимги Фарғонанинг бободехқонлари ярим ертўла ва чайлаларда истикомат қилганлар. Бу эса насл-насаби жихатидан қадимги чорвадор қабилалардан ажралиб чиққанликларидан гувоҳлик беради. Чуст маданиятининг кашф этилганига 50 йилдан ортиқ вақт ўтишига қарамай, ҳали бу маданият аҳолисиғатегишли махсус қабристонлар очилмаган. Маконларни қазиб жараёнида вайронага учраган уйлар атрофидан бир неча тартибсиз қўмилган мазорлар очилган. Бу мазорларга одамлар ёни билан ғужанак ҳолатида қўйилган. Уларда аниқ, бир тартиб кузатилмайди. Баъзи ҳолларда одам суяклари макон майдонидаги хўжалик ўраларида сочилиб ётар эди. Кўп ҳолларда бир чуқурчада уй талаб одам бош суягининг ўзи учрайди. Бироқ, мазорларда скелет атрофида сопол идишлар, ҳар хил тақинчок ва уй-рўзғор буюмлари учрамайди. Одатда ислом динига қадар бўлган мазорлар албатта тегишли ашёвий далиллар билан *таминланган*. Фақат Чуст маконида қазиб олинган бир мазорда скелет бош суяги яқинида битта гулли сопол кеса топилди. Чуст маданияти ёдгорликларида баъзан ёш болаларни сопол идишларга солиб қумиш одати учраб *туради*. Чуст маданиятида металл билан боғлиқ хунармандчилик яхши ривожланган. Масалан, Чуст маконини қазиб вақтида 80 дан ортиқ, Далварзинтепада эса 60 та металл предметлар топилган. Металл билан боғлиқ хунармандчиликнинг ривожига ҳақида гап кетганда Чуст ва Далварзинтепа ёдгорликларидан топилган тош қолипларни ҳам қурсатиш мумкин. Бу қолипларда ойна, ўроқ, пичоқ бигизлар қўйилган. Металл эса сопол

идишларда — эритлган. Чуст маданияти ёдгорликларининг юкори катламидан бронзадан қилинган асбоб-ускуналардан ташқари темирдан ишланган пичоқ топилган. Ёдгорликларда темир шлаklари куплаб учрайди. Чуст ва Далварзинтепани қазиш вақтида от узангилари ва сулиғи, ойна, билагузук, халқа ва қармоқлар, икки парракли бронза пайконлари топилди.

Чуст маданияти ёдгорликларида тошдан меҳнат куруллари ясащ давом этади. Масалан, биргина Далварзинтепани қазиш вақтида 1500 га яқин тош куруллар топилган. Тош куруллар орасида қум-тошдан ясалган ўроқсимон пичоқлар ясаш алоҳида диққатга сазовордир. Далварзинтепада 400 га яқин ана шундай тош пичоқлар топилган. Суякдан курул ясаш кенг йўлга қўйилган. Суякдан тароқ, моки, бигиз, урчук, ва бошқа буюмлар ишланган. Суякдан ясалган буюмлар орасида қўй, эчки ошиқларини хоятда қўп. Уларга тегишли чуқурчалар ясаб, чуқурчаларга бронза қўйилган. Ошиқларнинг деярли қўпчилиги жуда силлиқ устки қисми тўк кизил тусда ва уларга берилган пардоз туфайли ошиқлар товланиб туради. Бу эса қумор ўйинидан далолат беради. Чуст маданиятида хунармандчиликнинг кенг ривожланган соҳаси кулолчилик эди. Лекин сопол ишлаб чиқаришда хали кулолчилик дастгоҳидан фойдаланишга утилмаган. Идишлар қўлда ясалган. Демак, қустликлар кулолчилик чарҳини билмаганлар. Чуст маданияти аҳолисининг хужалиги сунъий суғоришга асосланган дехқончилик эди. Иккинчи уринда чорвачилик турган. Хужалиқда хонаки от, қорамол сақланган. Дехқончилик экинларидан бугдой, арпа, тарик экилган. Қустликларнинг ғаллалари, юкорида таъкидлаганидек, ерга ўйиб ишланган ураларда сақланган. Хар бир ўрада 200 кг дан то 2 тоннагача ғалла сақлаш мумкин бўлган. Дехқончилик ишларида, ер хайдашда, экин-тикинларни янчишда хайвонлардан фойдаланилган. Масалан, қадимги Фарғонанинг ҳозирги Қирғизистон ҳудудига кирган Соймалитош қоя суратларида қўшга қўшилган хўкизларнинг тасвири бор. Бу суратлар Чуст маданияти даврига оиддир. Чуст аҳолиси хаётида хунармандчиликнинг тўқимачилик йуналиши юксак даражада ривожланган.

Чуст маданияти ёдгорликларини казиш вақтида тўқимачилик дастгоҳига тегишли урчук, тошлар, моки ва суяк тароқлар қўплаб топилган. Шундай қилиб, милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида Фарғона водийсида Чуст маданияти мисолида қадимги деҳдончилик маданияти - таркиб топганини кўрамиз. Бу маданиятнинг келиб чиқиш масаласи борасида олимлар орасида давом этаётган илмий мунозаралар ҳали ўз низоёсига етгани ёқ. Бу маданият ижодкорларининг турмуш тарзи Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида топиб урганилган Сополлитепа маданияти ижодкорларидан маданий ва ҳужалик тараққиёти жиҳатдан минг йиллар орқада бўлган. Бу маданият аҳолиси Урта Осиёнинг туб ерли халқи бўлиб, улар жисмоний тузилиш ва антропологик тип жиҳатдан европоликлар типига мансуб эди. Уларнинг ижтимоий тузуми ибтидоий жамоа тузумининг охириги босқичи ва унинг емирилиш даври билан тавсифланади. Чуст маданиятидан сўнг қадимги Фарғонада уларнинг ворислари сифатида Элатан маданияти шаклланади. Элатан маданияти қадимги Фарғонанинг илк темир даврига оид маданий мероси бўлиб, унинг йил санаси милоддан аввалги VII— V асрлар билан белгиланган.

Қадимги Фарғонанинг Чуст маданияти типигаги жамоа излари Жанубий Сўғдиёнанинг бош шаҳри Ерқўрғон шаҳри харобасинг пастки қатламида ҳам учрайди. Ерқўрғондан топилган кулолчилик чарҳида ясалган сополларнинг йил санаси археологлар томоиидан милоддан аввалги VIII— VII асрлар билан белгиланган. Чуст типигаги сополлар эса ана шу қатлам остидан чиққан. Демак, Ерқўрғонда топилган Чуст маданияти типигаги сопол парчаларини милоддан аввалги IX —VIII асрларга тегишли деб ҳулоса чиқариш мумкин. Чуст типигаги сополлар ҳозирги кунда қадимги Кеш вилоятида, яъни ҳозирги Шаҳрисабз тумани ҳудудида ҳам топилган. Археологлар Кеш вилоятининг Тўрткўлтепа деб номланган ёдгорлигида казишмалар олиб борар экан, бу ёдгорликнинг юқори қатлами илк феодал даврига оид бўлиб, унинг қуйи — пастки қатлами Чуст маданияти типигаги ибтидоий жамоаларнинг қишлоғи эканлиги аниқланди. Бу фактлар қадимги

Сўғдиёна марказий ва жанубий вилоятлари илгир сўнгги бронза давридан илгир деҳқончилик маданияти ҳудудларига айланганлигини тасдиқлайди. Ана шу ёдгорликларни бизгача қолдирган қадимги бободеҳқонларимизнинг фаолияти туфайли Сўғдиёна милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарига келиб суний суғоришга асосланган йирик деҳқончилик марказига айланди. Қадимги Фарғонанинг Чуст маданияти типидagi ибtidoий жамоа излари Ўзбекистоннинг жанубий вилоятга бўлган Сурхондарё ҳудудида — қадимги Бактрияда ҳам топиб ўрганилган. Шу даврга оид ёдгорлик илгир бор археолог Л.И.Албаум томонидан Музрабод қўлидаги Кучуктепада топилди. Кейинроқ Кучуктепа типидagi макон харобалари Шурчи туманининг Миршоди кишлоғида, Бандихондаги Майдатепанда, Бўйрачи—1 ва Бўйрачи—2 маконларида, Кизилча—6 ёдгорлигида топиб ўрганилган. Юқорида номлари зикр атилган ёдгорликлар Жанубий Ўзбекистоннинг сўнгги бронза даврида ташкил топган учта (Шеробод, Бандихон ва Шўрчи) қадимги деҳқончилик марказларида жойлашган бўлиб, бу ўлкада деҳқончилик воҳалари аллақачон шаклланган. Қадимги Бактрия милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярмидан оқ қадимги Шарқ цивилизацияси тизимига кирган, Шунинг учун ҳам Бўйрачи—1, Бўйрачи—2, Жарқўтон ёдгорликларда Чуст типидagi археологик ашёвий далиллар шу ёдгорликларнинг юқори қатламида учрайди. Бироқ қадимги Бактрияда Чуст типидagi маданият кенг томир отиб кетмади. Бу ўлка халқи ўзининг қадимги илғор маданий дунёси билан жамият тараққиётининг келажак истиқболини белгилаб берди. Ҳатто милоддан ювалги I минг йилликнинг бошларида бу ўлкага Чуст типидagi маданият ворислари кириб келганда ҳам келгиндилар туб аҳоли маданияти билан ҳисоблашишга мажбур бўлди ва унинг қарига сингиб кетди. Биз бу манзарани қадимги Бактрия подшолиги давридаги (милоддан ивалги VIII — VII асрлар) маданиятдан яхши биламиз. Яна шуни такидламоқ керакки, милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида қадимги Бактриядаги иқтисодий ва маданий ҳаёт шу (даврдаги қадимги Фарғона ва Сўғдиёнадан тубдан фарқ қилар эди. Агар чустликлар

ватўрткўлтепаликлар ўз бобокалонлари ананаларига кўра чайла ва ярим йертўла типигаги кулбаларда яшаган бўлсалар, қадимги Бадтрияда Кучуктепа, Майдатеида, Бўйрачи ва Кизилчада аҳоли ғишт ва пахсадан қурилган уйларда истиқомат қиларди. Ҳунармандчиликнинг тўқимачилик, бронза, металл билан боғлиқ бўлган ва кулолчилик соҳалари юксак ривожланган эди. Келгиндиларнинг ўзлари билан олиб келган қўпол ва мўрт, сиртига ангоб бериб рангли нақш босилган сопол ишлаб чиқариш усули бу ўлкада тезда ўз умрини тугатди. Унинг ўрнини аввалгидек кулолчилик чархида ишланган сопол идишлар ишлаб чиқариш технологияси эгаллади. Қумтошдан ўроқсимон пичоқлар яшаш ҳам бу ўлкада ривож топмади. Шунинг учун Чуст маданиятига хос анъанавий мерос тезда ўз ўрнини иқтисодий ва маданий тараққиётда уларга нисбатан анча йуқори турган ҳаёт тарзига бўшашиб берди. Чуст маданиятига хос моддий ва маданий ёдгорликларининг қадимги Шарқ цивилизацияси марказларидан бирибўлган Бақтрияда пайдо бўлиши ўша замон этник жараёнига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу ибтидоий жамоа тартиб қоидаларининг бузилишига, унинг ўрнида синфий жамият талабига жавоб берувчи янги жамият бошқарув тизимининг келиб чиқишига олиб келди.

III БОБ АХСИКЕНТ ВА МИНГТЕПА МОДДИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Фарғона водийси ўзининг географик жойланиши ва табиий шароитини қулайлиги билан қадимдан деҳқончилик ва чорвачилик кенг ривожланган ўлка бўлган. Бу ерда Марказий Фарғонанинг қум барханларидан тортиб то Помиру Тяньшань тоғларидаги альп ўтлоқларини учратиш мумкин. Норин ва Қорадарё сувларининг қўшилишидан вужудга келган Сирдарё шарқдан ғарбга қараб Хўжанд «дарвозаси» томон йўналиб, водийни иккига, жанубий ҳамда шимолий Фарғонага, ажратгандек бўлади. Жанубда Туркистон - Олой тоғларидан, шимолда эса Чотқол-Курама тоғларидан бир неча ўнлаб катта-кичик сойлар Сирдарё томон йўналиб, баъзилари Сирдарёга қўшилиб кетса, бошқалари бўлса сувининг озлигидан унга етолмай адирлар орасида қолиб кетади. Бу ўз навбатида ўзига хос табиий шароитга (микроиқлимга) эга бўлган воҳалар ва воҳачаларни вужудга келтиради.

Бу ерда Қорадарё ва унинг ҳавзасини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Қорадарё Тяньшань тоғларининг шарқий тизмаларидан бошланиб, ясси тоғлик ва адирликларни оралаб ўтиб, Ўзган воҳасига чиқади. Ўзган воҳасидан то Норин дарёсига қўшилгунча бўлган 100 км.дан зиёд масофада Қорадарё ҳавзасида бир неча сўлим воҳачаларни кузатиш мумкин. Шу воҳачаларни бирида, ҳозирги Андижон вилояти Ойим қишлоғи ёнида, Фарғонанинг илк шаҳарларидан бири Далварзинни 30 гектарга яқин харобалари ётибди. Унинг арки аълоси, муҳофаа деворлар билан ўраб олинган «шахристони» яққол кўзга ташланиб турибди.

Кейинги 30 йил ичида олиб борилган археологик изланишлар Ўзбекистон ҳудудида қуйи бронза ва илк темир (милoddан аввалги II мингинчи йилларнинг иккинчи ярми I мингинчи йилларни боши) давриданок кичик кичик илк давлатлар шаклланганлиги ҳақида янги материаллар берди. Бундай кичик давлатларнинг

маркази сифатида Жарқўтон (Сурхондарё), Далварзин (Фарғона), Кўзалиқир (Хоразм), Кўктепа, кейинроқ Афросиёб (Самарқанд) каби илк шаҳарлар деҳқончиликка асосланган қароргоҳлар ора-сидан ажралиб чиқади. Бундай илк шаҳарларнинг арки аълоси, мулоффа девор билан ўраб олинган «шаҳристони» бўлган экан.

Фарғона водийсида бронза даври ўзига хос тарихий тараққиётга эга бўлиб, унда архаик элементлар узок давр мобайнида сақланиб қолган. Чуст маданияти номи билан маълум ва машҳур бўлган деҳқончилик маданиятини гоҳо бронза, баъзида эса илк темир даврига оид деб талқин қилиб келинди (Заднепровский, 1962, 1978, 1998; Кошеленко, 1985). Лекин, табиий фанлар ёрдамида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, жумладан радиокарбон анализлар (Заднепровский, 1997) ҳамда бронза буюмларини спектрал анализ қилиш йўли билан (Рузанов, 1999) Чуст маданияти жуда узок даврни ўз ичига қамраб олиб милод-дан аввалги XVI-XV асрлардан то VII асргача давом этганлиги аниқланмоқда.

Шоҳимардон Марғилонсой ҳамда Косонсой ҳавзаларида олиб борилган кейинги йиллардаги археолого-палеогеографик изланишлар Фарғонаводийсининг суғормадеҳқончилик тари-хига бир қатор аниқликлар киритди. Масалан, Косонсойнинг қуйи оқимида Ахсикент оазисининг асосий қисми милoddан аввалги X-IX асрларда ўзлаштирилган бўлиб, Эски Акси ёдгорлиғи ҳудудида деҳқонлар қароргоҳи бўлганлиги аниқланди. Фарғона водийсидаги бир неча ўнлаб бундай қароргоҳларни пойтахти Далварзин бўлганга ўхшайди, яъни, Далварзин илк шаҳар сифатида Фарғона водийсидаги илк давлатнинг пойтахти бўлса ажаб эмас. Олинган маълумотларга қараганда, Фарғона водийсининг дарё ва сой ҳавзаларида милoddан аввалги X-IX асрлардан бошлаб, интенсив сунъий суғорма деҳқончилик кенг ривож-лана бошлаган экан. Мураккаб рельефга эга бўлган Фарғона водийсининг дарё ва сой ҳавзаларида канал қазиб, деҳқончилик қилиш, оддий деҳқон жамоаларининг қўлидан келиши қийин. Бундай ишларни бошида, менимча, илк давлат соҳиблари турган бўлиши керак.

Европа билан Осиёни боғловчи халқаро савдо ва мулоқот йўли ҳисобланган Буюк Ипак йўлининг тарихи қадим-қадимларга бориб тақалади. Милoddан аввалги

2 мингинчи йиллардан бопшанган Урта Осиё, жумладан Ўзбекистон халқларининг жанубда Ҳиндистон ва Эрон, жануби-ғарбда Олд Осиё халқлари билан ўзаро алоқалари милоддан аввалги IX-VIII ва VII асрларга келганда янада кенгаяди. Фарғонадан топилган Ҳақ ва Афлотун топилмалари фарғоналикларнинг бу даврда жанубий, жануби-шарқий Осиё халқлари билан яқиндан алоқада бўлганлигининг гувоҳидир. Милоддан аввалги II асрда истеъ-додли Хитой дипломати Чжан Цяннинг Фарғона орқали Ўрта Осиёга қилган саёхатидан сўнг, Шарқ билан Ғарб орасида Буюк Ипак йули доимий мулоқот йўлига айланади. Бу даврда Буюк Ипак йўлининг Марказий Осиёда икки йўналиши мавжуд бўлиб, биринчиси Фарғона орқали ўтса, иккинчиси Ҳиндикуш ва Бадахшон бўйлаб ўтган. Фарғонадан ўтган биринчи йўл -асосий трансконтинентал йўл ҳисобланган.

Иккинчи йўл мавсумий ҳисобланиб, йилнинг фақат ёз ойларида фаолият кўрсатган ҳолос.

Буюк Ипак йўлининг гуллаб-яшнашида пойтахт шаҳарларнинг роли катта бўлган. Бу борада қадимги Фарғона пойтахти Ахсикент диққатга сазовордир. Унинг харобалари Тўрақўрғон ва Жомашуй орқали ўтган Наманган Фарғона йўлининг икки томонида, Сирдарёнинг ўнг соҳили бўйлаб чўзилиб кетган баланд тепаликлар кўринишида ётибди. Халқ орасида уни Эски Аҳси деб атайдилар. Бу ёдгорликнинг маданий қатламларида Фарғона халқларининг 2,5 минг йилга яқин ҳаёти ва маданияти-га оид бебаҳо маълумотлар берувчи тарихий обидалар яширинган. Улар тарихимизнинг ўчмас саҳифалари, аجدодларимиздан қолган моддий ёдгорликларнинг заминда қолган ўчмас излари, ўзбек халқининг маданий мероси, ўз давридаги гўзаллик оламининг мезонидир.

Эски Аҳси ҳудудида олиб борилган археологик қазилмалар шуни кўрсатдики, Ахсикент шаҳри Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон тарихида муҳим аҳамиятга эга экан.

Маълум бўлишча, Марказий Осиёнинг бошқа йирик шаҳарлари сингари Ахсикентнинг ҳам ўз қалъаси, шаҳристони (ички шаҳар) ва рабоди (ташқи шаҳар) бўлган (1-расм). Милодимизнинг X-XI асрларига келиб, унинг майдони 400 гектарга етган. Дастлаб, биз шаҳар қалъаси ҳақида аниқ маълумотга эга эмас эдик.

Унинг асосий қисмини вақтлар ўтиши билан Сирдарё суви ювиб кетган, қолгани қор ва ёмғир таъсирида текисланиб қолган экан. Фақат қалъанинг шимолий ва шимоли-шарқий қисми унча катта бўлмаган дўнглик шаклида сақланиб қолган. Бу ерда му-дофаа девор ваҳандақ қолдиқлари кўзга ташланиб турарди.

Қазишма ишларидан сўнг қалъа мустаҳкам мудофаа иншо-отлари билан ўраб олинганлиги ва унинг энг пастки маданий қатламлари милoddан аввалги III-II асрларга оид эканлиги маълум бўлди. Қалъа деворлари пахса ва хом ғиштлардан қурилган бўлиб, минг йиллар давомида мудофаа ҳолатини йўқотмаган, вақти-вақти билан тузатиб турилган, баъзида эса бутунлай қай-тадан қурилган.

Айниқса, бу борада қалъадан шимолда, шимоли-шарқда 35 гектардан зиёдрок майдонни эгаллаган шаҳристон (1-рasm, Ахси 1А, Ахси 1Б) диққатга сазовордир. Ундан ҳозирги кунларда 25 гектардан зиёдрок жойи сақланиб қолган. Унинг ҳам жанубий қисмини Сирдарё ювиб кетган. Шаҳристон ҳандақ орқали қалъадан ажралиб турган.

Шаҳристон икки (ички ва ташқи) қисмдан иборат бўлиб, ёзма манбаларда тилга олинган бешта дарвоза шу иккала шаҳристонга оиддир. Иккала шаҳристон ҳам баландлиги 20 метрга яқин деворлар вачукур қандақлар билан ўраб олинган. Ички шаҳристон девори харобаларининг икки жойида минора қолдиқлари дўнглик шаклида кўриниб турибди. Ташқи шаҳристоннинг шимолий ва шимоли-шарқий деворлари қолдиғида 20 га яқин минора харобалари мавжуд.

Маълум бўлишича, шаҳристоннинг ҳам қуйи маданий қатламлари милoddан аввалги III-II асрларга тааллуқли экан. Шаҳристон бу даврда калинлиги 5 метрга яқин мудофаа деворлар билан ўралган бўлиб, вақти-вақти билан таъмирлаб турилган. Кейинчалик, 100-150 йил давомида Ахсикент мудофаа деворларининг тидан кейин Хитой манбаларида Фарғона ҳақида кизикарли хабарлар учрай бошлайди. Масалан, тарихий йилнома ҳисобланган «Шицзи» милoddан аввалги 138-йилдан 90-йилгача бўлган воқеликларини ўз ичига олади. «Шицзи»нинг муаллифи Смма Цяннинг ёзишича Фарғонада 70 га яқин катта ва кичик шаҳарлар бўлган. Лекин, у фақат иккита пойтахт шаҳарларнинг номинилга оладихолос: Эрши, Ю (Ючен) (Бичурин, 1950). Шу билан бирга

«Шицзи»да Фарғона давлати ҳамда унинг подшоши Мугуа ҳақида ҳам маълумотлар бор. Чжан Цяннинг маслаҳати-га суяниб Хитой императори дипломатик йўл билан Фарғона-нинг самовий тулпорларини қўлга киритмоқ ниятида, қиммат-баҳо совғалар билан Фарғонага элчи юборади. Хитой элчиси Фарғонаподшоши Мугуани буйруғи билан қўлга олиниб, ўлдирилади. Шундан сўнг, Хитой императори куч ишлатиб ўз мақса-дига эрипиш учун саркарда Ли Гуан-ли бошчилигида икки марта Фарғонага қўшин юборади.

Биринчи юриш мағлу биятга учрагач, иккинчи маротаба мах-сус тайёргарликдан сўнг, Ли Гуан-ли катта қўшин билан Фарғонага бориб, пойтахт шаҳар Эршини қамал қилади. Хитой қўпгини орасида махсус ирригатор-мухандислар бўлиб, уларга Эрши шах-рига келаётган сувни бошқа томонга буриб юбориш вазифаси юклатилган эди. Қирқ кунлик қамалдан сўнг, ички шаҳарда бекиниб ётган оқсоқоллар кенгаши ўзаро келишиб, ўз ҳукмдори Мугу-ани Хитой элчисининг ўлимида айблаб, уни тахтдан четлатиб, ўлимга маҳкум этади. Бу билан улар ҳамма айбни Мугуага юк-лаб, хитойликларга тинчлик сулҳини таклиф қилади. Бу таклиф Ли Гуан ли томонидан қабул қилинади. Сулҳга биноан хитойликлар Фарғонаниш самовийтулпорларидан олиб,ўз юртларигақайтадилар. Юқоридакелтирилган «Шицзи»нинг хабарлари милод-дан аввалги II-I асрни бошларида Фарғонада подшо яккаю ягона ҳукмдор бўлмаганлиги ваунинг ҳаракатлари оқсоқоллар кенга-ши томонидан назорат қилиниб турилиши ҳақида гувоҳлик бера-ди. Бундай сиёсий ҳаёт баъзи бир ўзгаришлар билан араблар исти-лосигача давом этади.

Фарғона (Давон) давлатишпшг бош пойтахти Эрпш қаерда жой-лашган ? деган савол туғилади. Бу саволга олимлар жавоб қиди-риб, ҳар хил фикрларни олға суришган. Масалан, Н.Я.Бичурин Эршини ҳозирги Қўқон шаҳри ўрнида деса, А.Н.Бернштам уни Марҳамат туманидаги Мингтепа ёдгорлиги ўрнида бўлган, - деб талкин қилади. Кейинчалик А.Н.Бернштам таклиф қилган фикрни кўпчилик археолог-тарихчи олимпармаъқулладилар.

Лекин, кейинги йилларда олиб борилган археологик изланиш-лар бу фикрни қайта кўриб чиқишни тақоза қилмоқда. Жумла-дан, Эски Ахси ёдгорлигида олиб

борилган археологик қазииш-малар натижасида қўлга киритилган материалларни ёзма манба хабарлари билан солиштириш, бизни, Фарғона давлатининг қадимги пойтахти - Эрши шаҳри Эски Аҳси ёдгорлиги ўринда бўлган деган янги фикрга олиб келди. Бу хулосани тасдиқловчи қатор археологик материаллар мавжуд: Биринчидан, милoddан аввалги III-I асрларда Эски Аҳси ҳудудида бўлган шаҳар ками-да 40 гектар майдонни эгаллаб, ўзининг арки аълоси ва икки қисмданиборат «шаҳристони» бўлган. Дастлаб, қалинлиги 3 м ва баландлиги ҳам 3 метрдан зиёдрок девор билан ўраб олинган шаҳар, 100-150 йил ичида қалинлиги 10 метрдан зиёд, баландлиги эса 20 метрдан кам бўлмаган ўзига хос маҳаллий услубда қурилган мудофаа иншоотига эга бўлган «қалъа» шаҳарга айланади. Бундай мустаҳкам мудофаа деворни зудлик билан вужудга келишида Хитой армиясининг икки маротаба босқинчилик юришлари сабаб бўлган бўлса керак. Мингтепада эса бундай мураккаб мудофаа деворлар йўқ. Унинг деворлари кўпроқ антик услубда қурилган шаҳар деворигаўхшаб кетади. Иккинчидан, Эски Аҳси ёдгорлигида, Мингтепадан фарқли ўларок, маданий қатлам ҳамма жойида мавжуд. Учинчидан, Мингтепа Аравансойнинг чап ирмоғи ҳисобланган Чекободсойни қуйи оқимида жойлашган бўлиб, унинг атрофидан оқиб ўтаётган сувни махсус план асосида бошқа томонга буриш, менимча, шарт бўлмаган. Аксинча, Эски Аҳси ўрнидаги шаҳарга махсус канал орқали 14-15 км масофада Косонсойдан сув келтирилган. Эрши шаҳрига келаётган сувни буриб юбориш тўғрисида Хитой муҳандисларитузган план ҳам Эски Аҳси ўрнидаги шаҳарга тааллуқли бўлса керак.

Иккинчи тарихий манба «Ханьшу» ҳисобланиб, у милoddан аввалги 138-йилдан то милoddий эранинг 23-йилигача бўлган воқеликларни ўз ичига олади. Унинг муаллифи Бан Гу «Шицзи»даги маълумотлардан тўлиқфойдаланиб, янги воқеликлар билан бойитади. Жумладан, Бан Гу қуйидагича ёзади: бу даврда Давон (Фарғона) давлатининг подшоси Гуйшань (Гуй-пгуань) шаҳрида ўтирган; аҳолиси 300000 кишидан иборат бўлиб,

60000 оилани ташкил қилган, армияси эса 60000 аскардан ташкил топган (Бичурин, 1950).

«Шицзи»дан фарқли ўлароқ Фарғонанинг пойтахти Эрши эмас, балки Гуйшуань шаҳри деб, армия сони эса кўчманчи давлатларга ўхшаб оила сонигатенг қилиб кўрсатилган. Бунга аниқлик киритишдан аввал В.Тарн ҳамда Пуллейбланкларни фикрини келтирамиз.

В.Тарн ва Пуллейбланк 1930-1960 йилларда Хитой манбалари рини анализ қилиб, Фарғона (Давон) давлатининг соҳиблари кўчманчи қабилалардан бўлган, - деган фикрни олға сурган эди-лар (Тагп, 1938; Pulleyblank, 1966). Фарғонанинг сиёсий ҳаётидаги бу ўзгариш, менимча, милоддан аввалги I асрни 90-йилидан милоднинг I асрини 23-йилигача бўлган давр ичида юз берган бўлса керак (ААнорбоев, 2000 А). Шу даврда Фарғонанинг бош пой-тахти Эрши Гуйшуань деб номланган бўлиши мумкин. Демак, Пуллейбланк бу ерда ҳақ бўлиб чиқади, яъни, уни фикрича маъ-лум бир вақтда Юечжи (Гуйшуань - Кушан) қабилаларига оид гуруҳ Фарғона давлати тепасига келган. Бунга жавобан бош пой-тахт шаҳар (Эрши) Гуйшуань деб номланган (Pulleyblank, 1966).

Милоднинг I асрларига келиб Фарғона водийсининг дарё ва сой ҳавзаларидан энг унумдор ерлар тўлиқ ўзлаштирилади, яъни, деҳқончилик кенг ривожланади. Шу билан бирга халқаро савдо алоқаларининг кенгайиши, кўп тармоқли хунармандчиликнинг жадал ривожланиши, қончиликнинг тезкорлик билан ўсиши ша-ҳар маданиятини ҳар томонлама барқ уриб, гуллаб-яшнашига олиб келди. Натижада, шаҳар маданияти ва турмуш тарзи жами-ятнинг асосий мезонига айланади. Бу даврда шаҳар атрофигина эмас, балки узоқ қишлоқлар ҳам шаҳарга тақлид қилиб яшай бошлайди. Шунинг учун ҳам Хитой манбаларида катта қишлоқ-лар ҳам шаҳар деб тилга олинади. Ахсикент сингари пойтахт шаҳарлар эса ҳар томонлама ривожланади. Айниқса, милоднинг V-VII асрларида шаҳарда уй-жой қурилишига катта аҳамият бе-рилади. Уйлар беш-олти хонали қилиб қурилган. Хона деворла-ри жуда силлиқ қилиб сувалган, баъзи уйларда сувоқ устидан рангли бўёқлар берилган. Ҳар бир хонадонда алоҳида ётоқхона, омборхона, ошхона, бир хилларида тоза сув қудуғи ҳам бор (3-расм, Ахси 1Б, IX). Ётоқхоналарда девор бўйлаб кенг супа, ерда эса сандалга ўхшаш иситгич ўчоқлар мавжуд. Бу даврга келиб қитъалараро йўл Ўзбекистон, жумладан Фарғонахалқла-ри ҳаётида жуда

муҳим роль ўйнай бошлайди. Айниқса, VI-VII асрларга келиб сўғд-турк савдогарлари шарқда Хитой орқали Корея ва Япониягача, ғарбда Ўрта ер денгизи бўйи давлатлари-гача, жанубда Ҳиндистон ва Цейлонгача бориб, савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланганлар. Бу эса Ўзбекистоннинг қадимги вилоятлари ҳисобланган Шош-Илоқ (Тошкент), Фарғона (Фар-ғона водийси), Уструшона (Сирдарё-Жиззах) ва Сўғдни (Самарқанд, Қашқадарё, Навоий, Бухоро) иқтисодий баркамолликка, уларда яшаган халқлар турғуга тарзининг яхшиланишига олиб келади. Бу борада Ахсикент ва Самарқанд сингари йирик ша-ҳарлар катта роль ўйнаган.

Ўрга Осиё, жумла-дан, Фарғона халқлари ёнма-ён, тинч-тотув ҳаёт кечирганлар. Бу албатта ўз навбатида иқтисодай юксалишга олиб келган. Муғтоғидан топилган молиявий ваҳўжалик ҳужжатлари бунга яққол мисол бўла олади. Бу борада сўғд тилида ёзилган № 3 ҳамда № 4 рақамли ҳужжатлар диққатга сазовордир. Бу ҳужжатларда сўғд кизи Дугдонача турк йигити Уттегинга турмушга чиқиши акс эттирилган. Бу келишув қоғози тенглик ва иттифок асосида ёзилган бўлиб, агарда уларни турмуши кеяжакда бузилса, унда йигит қизни ҳеч қандай камситмаган ҳолда ўз ота-онасига қайта-риб бериши шарт бўлган.

Бошқа бир ҳужжатда Фарғона ҳукмдори - «ихшид» сўзи би-лан бирга иккинчи лавозим Фарғона ҳарбий маъмуриятининг бошлиги «тутук» тилга олинади (Лившиц, 1962). Бу лавозим, албатта, Турк ҳоконлигининг тасарруфида бўлган бўлиши ке-рак.

Ўзбекистондаги, жумладан Фарғонадаги тинч ҳамда барқарор ҳаёт араблар истилоси натижасида бузилади. Лекин, бу узоққа бор-майди. VIII асрнинг охирларида ҳаёт яна аввалги тинчлик ва ри-вожланиш йўлига қайтади. Ахсикент сингари пойтахт шаҳарлар янги ташкил топган Сомонийлар давлати ривожидида муҳим роль ўйнай бошпайди. VIII-IX асрнинг бошларида Ахсикент араб йилно-маларида «Фарғона» деб номланган, яъни, пойтахт шаҳар водий номи билан аталган. Илк араб йилномаларидан ҳисобланган ат-Табарийнинг «Пайғамбарлар ва подшолар тарихи» асарида (VIII аср бошларида) Фарғона водийсининг 5 ташаҳари тилга олинади: Хўжанд, Косон, Боб, Кубо, Фарғона. Ат-Табарийнинг тарихида

Фарғона шаҳри ҳақида тўлиқ маълумот берилмаган бўлса-да, ле-кин, уни ўқиган ўқувчи «Фарғона» шаҳри водийни пойтахти экан-лигинисезишимумкин (Табари, 1997).

Ибн Хордадбех ўзининг «Иўллар ва давлатлар» асарида, VIII асрнинг охири - IX асрни бошларида Боб билан Кубо шаҳарларини орасида «Фарғона» шаҳри жойлашганлигини ёзиб, унинг аниқ координатларини беради. Унинг ёзишича, Боб ва «Фарғона» шаҳарларининг орасидаги масофа 4 фарсахга, ундан Кубо шаҳригача эса 10 фарсахга тенг бўлган (Ибн Хор-дадбех, 1986). Агар бир фарсах 8 км.га тенг деб, олсак унда Боб-дан «Фарғона» шаҳригача 32 км, «Фарғона»дан Кубогача 80 км ташкил қилади. Чунки, ҳозирги Поп ёдгорлигидан Эски Ахси ёдгорлигигача бўлган масофа 32-35 км.га Эски Ахси ёдгорлиги-дан то Кува шаҳри харобаларигача эса 80-85 км.га тенг. Кўри-ниб турибдики ҳеч иккиланмасдан Ибн Хордадбех асарида кўрса-тилган «Фарғона» шаҳри ҳозирги Эски Ахси ёдгорлиги ўрнида бўлган, деган хулосага келиш мумкин (А.Анорбоев, 2000 Б). Демак, VIII асрнинг бошларида ат-Табарий тарихида тилга олин-ган «Фарғона» шаҳри ҳам Эски Ахси ёдгорлиги ўрнида бўлган десак, адашмаймиз. Хулоса қилиб айтганда араблар истилоси арафасидан то IX асрнинг ўрталаригача Ахсикент шаҳри водай-ни номи билан «Фарғона» деб аталган экан. Буни археологик материаллар ҳам тўлиқ тасдиқламоқда.

Ахсикент марказлашган Сомонийлар давлати (IX-X асрлар) даврида Фарғона водийсининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий маркази сифатида гуллаб яшнайдди. Ахсикентда зарб қилинган танга пуллар Сомонийлар давлати иқтисодиётида муҳим роль ўйнаган. Буни биз ички бозор му омаласида бўлган мис тангалар мисолида кўришимиз мумкин. Масалан, Ахсикентда зарб қилинган мис тангалар Ўрта Осиёнинг кўпчилиқ вилоятларидан топилган.

IX аср ўрталаридан бошлаб, Ахсикент шаҳристонининг деворлари муҳофаа ҳолатини йўқота бошлади. Чунки, бу даврда (IX-X асрлар) марказлашган Сомонийлар давлати аҳолини муҳофаа деворларисиз муҳофаза қила олган.

Бу даврда ҳам Буюк Ипак йўлининг асосий тармоқларидан бири Фарғона орқали ўтган. Ҳиндистон, Эрон ва Ўрта Ер ден-гизи бўйи давлатларидан чиққан

савдо карвонлари Самарқанд орқали ўтиб, Хўжандга келган «Хўжанддан сўнг йўл иккига бўлиниб, бири Поп (Боб), Ахсикент орқали Қувага борган, иккинчиси эса Сўх, Риштон, Марғилон орқали Қувада биринчи йўл билан бирлашиб, Ўш томон йўлланган (Ибн Хордабех, Истахрий, Ибн Хаўвқал). Ўшдан сўнг, бу Буюк Ипак савдо йўли аввалгидек Ўзган, Отбоши ва Терекдагон орқали Хитойга ўтган.

Ахсикентнинг XI-XII асрларга оид маданий қатламларида бир неча кўча ҳам аниқланди. Улар шаҳарнинг шимолий ва шарқий дарвозаларига, марказий бозорга ҳамда темирчи, мис-гар, заргар ва баққол, савдогарлар маҳалласига олиб боради.

Ёзма манбаларнинг берган хабарларига кўра, Ахсикент шаҳ-рининг бош бозори шаҳристонда бўлган. Буни археологик изла-нишлар тўлиқ тасдақлади. Аниқланишча, марказий бозор ўзининг савдо расталари билан ташқи шаҳристоннинг шимоли-шарқида жойлашган бўлиб, икки гектардан зиёд майдонни эгаллаган.

Биринчи (ички) шаҳристоннинг икки жойида (1-расм, VIII, XVIII) ер ости водопроводи ҳам очилди. Бу водопроводлар X асрнинг охирида узоқ вақтлар хизмат қилишга мўлжаллаб қурилган буюк инженерлик иншоотдир. Археологик тадқиқот-лар шуни кўрсатдики, водопровод қурилган даврда шаҳристоннинг ичи зич уйлар билан банд бўлган. Шундай шароитда, қандай қилиб, бу ер ости иншооти қурилган экан ? Аниқлани-шича, ўз замонасининг амалий илмларига таянган қурувчи усталари бу ажойиб иншоотни ҳозирги метро қурилиши шаклида бунёд қилишган. Аввал ер ости туннели қазилган, сўнг унинг ичида пишиқ ғиштдан ярим гумбазсимон иншоот қуриб, унинг тубига катта диаметрли сопол қувурлар ётқизилган (4-расм). Сув ана шу қувурлар орқали оққан. Бундай сопол қувур парчаларини шаҳристон ва рабоднинг ҳамма жойида учратиш мумкин. Бу водопровод системаси шаҳар аҳолисига икки юз йилдан зиёдроқ хизмат қилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, иккинчи (ташқи) шаҳристон-нинг қуйи қатламларида қуйи бронза ва илк темир даврига (ми-лоддан аввалги X-IX асрлар) оид топилмалар кўлга киритилган. Бу албатта Ахсикент тарихининг, қолаверса бу ҳудуддаги суғор-ма деҳқончилик тарихининг уч минг йилга тенг эканлигидан гу-воҳлик беради.

Иккинчи шаҳристон ҳудудининг тўққиз жойида бир замонлар зилол сувгатўла бўлган ҳовузлар топилди (1-расм). Араб сайёҳ-ларининг ёзишича, бу ҳовузларнинг кирғоқлари жуда чиройли қилиб безалган ва сувга махсус зинапоялар ёрдамида тушилган (Истахрий, ибн Хаувқал).

Шаҳристон харобалари устида сайр қилиб юрган киши унинг устида ҳар бир кадамда ипшаб чиқариш корхоналарининг қол-диқларига дуч келади. Бу эса ҳар бир кишини, бу ерда фақат савдо дўконлари ва ҳунармандчилик устахоналари бўлган, деган ҳулосага олиб келади. Лекин, тадқиқотлар давомида бу ердан XI-XII асрларга оид ўрта ҳол хонадонлар яшаган тўрт-беш хонали уйлар ҳам очилди.

Уйларнинг омборхона, ошхона ва ётоқхонаси қолдиқлари кўзга яққол ташланиб турибди. Уйлар киш ойлари мўрили ўчоқ ва сандал ёрдамида иситилган. Уйлардаги омборхоналарни (таҲона) қурилиши ва жойланишидиққатга сазовордир. Хо-надонларининг озиқ-овқат сақлайдиган омборхоналари уйлар-ни тўрида ёки тагида жойлашганлиги кузатилган. Ички шаҳ-ристоннинг шимоли-шарқида (1-расм: XI) XI-XII асрларга оид таҲона (омборхона) топиб ўрганилган. Аниқланишича, бу ерда XI-XII асрларга тегишли монументал уй жойлашган бўлиб, ундан бизгача фақат пишиқ ғиштли пол ҳамда деворларни пойдеворлари сақланиб қолган ҳолос. Лекин, полни тагида жойлашган пишиқ ғиштли омборхона (таҲона) тўлиқ сақла-ниб қолган. У тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, махсус троп-лар ёрдамида гумбаз билан беркитилган (5-расм; 6-расм). Хона-донларда ювинди сув ҳамда мева-чева, овқат қолдиқлари тўки-ладиган алоҳида-алоҳида ўралар бўлган. Уларнинг диаметри 0,80-0,90 м бўлиб, чуқурлиги баъзида 15 метргача етган. Ҳовли-га кирган киши бундай ўралар борлигини ҳам билмаган. IX-XII асрларда шаҳар қонун-қоидасига мувофиқ ҳар бир хонадон ўз ҳовлисига ювинди ва чиқинди учун махсус чуқурлар қазитиш шарт эди. Шаҳар майдонлари, бозорлар ва кўчаларни ифлос қилмаслик қаттиқ талаб қилинган. Шаҳарликлар ўз манфаати йўлида ҳеч қачон ҳовлиларини, савдо расталарини ва устахоналарини кўчалар ва майдонлар ҳисобига кенгайтириши мумкин бўлмаган. Ҳаттоки, масжидни ҳам кўча ҳисобига кенгайтириш мумкин эмас эди. Бу ишларнинг бажарилиши давлат вакили мух-тасиб томонидан доимо назорат қилиниб турган. Шундай қиммат-баҳо қуроллардан

бирининг олтин суви юритилган дастасини кичик парчаси жорий 2001 йилда хунармандлар маҳалласидан топилди. Бундай кескир қиличлар махсус эгилувчан ва ўта мустаҳкам пўлатдан тайёрланган. Ахсикент хунармандлари ўша вақтларда пўлатнинг эгилувчанлигини ошириш усуллари яхши билишган, лекин буни каттиқ сир сақлашган. Улар олий сифатли пўлатни махсус идиш - тигелда (ўтга чидамли гил қозонча) ҳамда печда тайёрлашган. Печнинг деворлари ҳам юқори ҳароратга чидамли тигелга ишлатилган махсус лой билан сувалган. Бундай печьватигель 1650-1700 даражали иссиққа чидаган. Тайёр бўлган пўлат тигелни синдириш йўли билангина олинган. Нима сабабдан қимматбаҳо идишни синдиришга мажбур бўлинган? Чунки, технологик қоидага мувофиқ, металл тайёр бўлганда тигелнинг тубида қолиб, унинг усти тошқол билан қопланган бўлади. Шунинг учун бўлса керак, Эски Аҳси шаҳристониинг ҳамда рабоднинг шаҳристонга туташган жойининг қайси жойига бормайлик, қаерни қазимайлик, албатта, тигель парчаларини учратдик.

Шаҳристон атрофида 350 гектардан зиёдроқ территорияни рабод эгаллаган. Араб сайёҳларининг маълумотларига қараганда, рабод ҳудудида чиройли боғу бўстонлар, бой-бадавлат одамларнинг уйлари бўлган. Археологик изланишлар натижасида рабоднинг шаҳристонга шарқ ва ғарб томондан туташган жойларида ҳам хунармандлар қароргоҳи бўлганлиги аниқланди. Шарқ томонида, дегрезлар ва темирчи усталар маҳалласининг ёнгинасида, шаҳристоннинг шарқий дарвозаси рўпарасида X-XII асрларга оид ҳаммом ҳам бўлган (7-7А расмлар). Унинг деворларида сақланиб қолган расм қолдиқлари, айниқса, диққатга сазовордир. Хоналарининг деворлари 200 йил давомида эллик мартача нам ва сувга чидамли махсус қоришмалар билан сувалгани маълум бўлди. Ҳар сафарги сувоқ устидан жуда чиройли геометрик шаклда гуллар туширилган, баъзи хоналари эса оддий кулранг бўёқ, билан бўялган. Ҳаммом ичи доимо озодалик-да сақланган экан. Ишлатилган сув қувурлар ҳамда пишиқ ғиш-тли туннель (8А-расм) ёрдамида пол ости орқали махсус ташнав-га туширилган қурилган. Сув бу қурилманинг ичидаги ғишиқ ғиш-тли ариқдан оққан. Шаҳарни сув билан таъминлайдиган бу иншоот ҳақида халқ орасида бир ривоят юради: шаҳар аҳолиси бу ер ости сув йўлини доим

сир сақлаган. Кунлардн бир кун шаҳарни душ-ман камал қилибди. Камал қанча давом этмасин, шаҳар таслим бўлмабди. Ёв бунинг сирини билолмай турган пайтда, шаҳарлик бир аёл катта пул эвазига бу сирни душманга ошкор этибди. Сотқиннинг кўрсатмаси билан дугман Косон сойнинг юқори оқими-дан сувга сомон ташлабди. У оқиб маълум бир жойга борганда, айлана бошлабди. Натижада, шаҳри азим Ахсикентга борадиган ер ости водопроводи худди шу жойдан бошланиши бўлинибди. Уша жойни тошлар билан маҳкам беркитишибди. Шунда шаҳарга сув келиши тўхтабди. Орадан бирнеча кун ўтгач, сувсизликдан хориган шаҳар таслим бўлибди. Шундан сўнг шаҳар харобага айланган эмиш.

Фарғонада Ахсикентдан кейинги иккинчи катта шаҳар ҳисоб-ланган Кува (Қубо) IX-X асрларда ҳар томонлама ривожланади. Бу даврда, илк ўрта аср давридаёқ шахристон ҳудудидан ташқарига чиқиб кетган Куванинг сиёсий ҳамда иқтисодий марка-зи рабод ҳудудида бўлган. Рабод ўзининг серсувлиги, кўм-кўк дарахтларга бойлиги билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам шаҳар ҳокимлари ўз саройларини ҳамда марказий бозорни рабод ҳудудида қурганлар. Кува усталари ясаган кўзни қамашти-радиган, нозик шиша идишлар шу марказий бозорда сотилган.

Буюк Ипак йўлининг Шимолий Фарғона орқали ўтган тармоғи (Хўжанд-Боб-Ахсикент-Қубо) XI-XI асрларда Ахсикентдан сўнг иккига бўлинган: бири «Миён Рудан» («икки сув ораси») орқ-али Узган томон йўналган бўлса, иккинчиси Ахсикентдан Қубога эмас, балки Марғилонга борган. Жанубий Фарғонанинг Сўх-Ҳай-даркон регионида тоғ-кон саноатини тезкорлик билан ривожланиши натижасида Буюк Ипак йўлининг Жанубий Фарғона (Хўжанд-Риштон-Қубо-Уш) орқали ўтган тармоғи XI асрдан бопшаб, Сўх-Ҳайдаркан, Ухна, Қадамжой, Водпл орқали ўтиб, Марғилонга келган кўринади. Шунинг учун бўлса керак, IX-X асрларда ри-вожланган шаҳар ҳисобланган Риштон XI-XII асрларга келиб қишлоққа айланиб қолади. Кува (Қубо) бўлса ўзининг аввалги мавқени йўқотиб, кичик бир шаҳарга айланиб қолади.

Табиий экологик шароитнинг қулайлиги ҳамда Фарғона орқали ўтган Буюк Ипак йўлининг шимолий ва жанубий тармоғларини Марғилон орқали ўтиши XI-

XIII аср бошларида уни ас-Самоний сўзи билан айтганда, «энг буюк шаҳарлардан бирига» айланишига олиб келади.

XI асрга келиб Қорахонийлар давлати даврида сиёсий пойтахт Ахсикентдан Ўзганга кўчирилади. Лекин, археологик материалларининг таъкидлашича Ахсикент XI-XII асрларда ҳам ав-валгидек, бутун Фарғона водийсининг иқтисодий маркази бўлиб қолаверди. Ахсикент бу даврда ҳам Буюк Ипак йўли бўйлаб жой-лашган энг йирик шаҳарлардан бири бўлиб қолади. Бу ерга Хитойдан, Ўрта Ер денгизи атрофи мамлакатларидан, Ҳиндистонданузлуксиз савдо карвонлари келиб турган.

Эски Ахси харобаларидан топилган бу даврларга оид моддий ва маданият ашёлари жуда ҳам кўп ва ранг-баранг. Айниқса, сирланган сопол идишлар диққатга сазовордир.

Уларнинг баъзиларидан куфий ёзувидаги битикларниўқиш мумкин. Баъзиларига эса афсонавий ва йиртқич ҳайвонлар ҳам-да хонаки қуш тасвирлари туширилган Ахсикент ҳунармандлари бу даврда сирли сопол идишларни безаш ва сирлаш борасидаўзигахос мактаб яратди. назар ташласак IX-XII асрларга келиб, жаҳон цивилизациясининг маркази Марказий ва Олдинги Осиё ҳудудларига кўчганлигини кузатамиз Жуда катта сиёсий ва иқтисодий қудратга эга бўлган араб халифалиги бу даврда илм-фан ва маданиятни ривожланишига катта имкониятлар яратиб берди. Бу тарихда араб илм-фани ва маданияти номи билан машҳурдир.

ПрезидентимизИсломКаримовнинг „Тарихийхотирасиз-
келажакйўқ” „„Келажагибуюкдавлатниюксакмаънавиятлихалқгинабарпоэтади
”, „Юксакмаънавият -енгилмаскуч”
кабидоносўзлариҳамдабуюкадибимизАбдуллаҚодирийнинг
“Мозийгақайтибишкўрмоқликхайрлидир”,
деяйтганвасиятларимавжудтарихийвамаданийёдгорликларимиз, осори-
атиқаларимиз, муқаддасқадамжоларимизниўрганишватиклашда,
уларнихалқимизвакелажакэгаларибўлганёшавлодгақайтаришдабизларгаҳамм
аънан, ҳамруҳанкучбағишлаётганлигинитеранроқанглабетмоқдамиз. Миллий
ғуруримиз баландлаб, киндик қонимиз тўкилган, ўсиб-улғайган муқаддас
заминга бўлган этиқодларимиз таъриф-тавсифга сиғмаётир.

Давлатчилигимиз тарихида ҳали тўлиқ ўрганилмаган, мингйилликлар тарихини, қадим маданиятни, асрлар воқеотларини ўз бағрида сақлаб келаётган боқий манзиллар ўлкамизда талайгина. Ана шундай юксак баҳога лойиқ, Фарғона водийсида қадимда мавжуд бўлган, Ўрта Осиё осоратиқалари орасида алоҳида ажралиб турувчи, кўҳна маданият ошиёни бу – шубҳасиз, Хитой манбаларида **Даван** деб аталган давлатнинг маркази саналган **эрши** шаҳар харобаларидир. Археологларнинг фикрича, эрши шаҳри ҳозирги Марҳамат туманининг марказига туташиб кетган Мингтепанинг ўрнида жойлашган.

Мингтепа кўҳна шаҳар харобаси Андижон вилояти Марҳамат тумани марказига туташиб кетган, бугунги Марҳамат шаҳрининг шарқий қисмида жойлашган ёдгорлик. Ёдгорлик милоддан аввалги 3 – милодий 5-асрларга мансуб бўлиб, Хитой ёзма манбаларида тилга олинган Қадимги Даван давлатининг пойтахти Эрши шаҳри бўлганлиги кўпчилик археолог–тарихчилар томонидан (А. Бернштам, Ю. Заднепровский, Н. Горбунова, Б. Матбобоев) тан олинган. Олимларнинг бу хулосага келишининг сабаби Мингтепанинг майдони мураккаб ва мукаммал тузилган икки қатор мудофаа деворлари бўлган. Бундай ёдгорлик ушбу давр учун водийда ҳозирча маълум эмас. Археологик жиҳатдан Мингтепа ички ва ташқи шаҳарлардан иборат бўлиб, ҳозирда ички шаҳар (38 гектар) ни тўрт томондан қуршаган мудофаа девори сақланиб қолган. Мингтепадаги тепаликлар сони 52 та. Ички шаҳарнинг шимоли-ғарб томонидаги марказий тепаликнинг маданий қатлами 10 метрдан ортиқ. Энг қуйи қатлам мил. авв. 3-2 асрларга оиддир. Тепаликдан 5 метр қалинликдаги платформа (тагкурси) устида қурилган иншоот қолдиқлари чиққан. Мутахассисларнинг фикрича, бу тепалик шаҳар арки бўлган. Мингтепа мудофаа деворнинг ҳар 38-40 метр масофасида кузатув минораси ўрнатилиб, унинг узунлиги 18 метр, эни 9 метр, баландлиги 3-4 метрга етган. Кузатув минораларининг 4 таси марказий, камида 60 таси оралиқ кузатув миноралари ҳисобланади. Минора ўртасида шинаклар билан таъминланган хона жойлашиб, унда соқчилар яшаган.

Буржларни ўзаро туташтириб турган мудофаа деворининг қалинлиги қуйи қисмида 7 метр, юқорида 4 метр, баландлиги 4 метрга етган. Бу ўлчамлардан келиб чиқиб, деворлар маҳобатини англаш мумкин. Девор ва бурж асосан яхши пиширилган пахса ва хом ғиштдан тикланган. Девор ташқарисида хандақлар қазилган.

XX асрнинг 50-йилларида тузилган режага кўра, Мингтепанинг ташқи мудофаа девори ҳам шундай мукаммал бўлган. Шундай бўлса керакки, бу шаҳарни милoddан аввалги 104 ва 101 йилларда Хитой армияси икки марта қамал қилиб ҳам қўлга кирита олмаган.

Мингтепа археологик ёдгорлиги 1940-50 йилларда А.Н. Бернштам, Ю.А. Заднепровский, кейинчалик (1990 йилларда) ЎзР ФА Археология институти Фарғона отряди (Б. Матбобоев) археологик текширув ишлари олиб борган.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин, онаВатан тарихини билишга, ўзликни англашга қизиқиш ортиди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, “Ўз тарихини билмайдиган, кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган”. Тарих сабоқлари инсон учун намуна бўлади, таълим тарбия беради. Тарих сабоқлари халқни ҳушёрликка, ўз озодлигимиз, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асрашга ундайди. Ислам Каримов таъкидлаганидек, “Модомики ўз тарихини билган, ундан рухий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳақиқий тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантиришимиз, яна бир бор қуроллантиришимиз зарур”.

Бугунги кунда тарихшунослигимизда ўрганилиши долзарб бўлган масалалардан бири Қанғ ва Давон давлатига тарихига оид моддий манбалар мавзусидир. Истиқлол шарофати билан юртимизда кенг миқёсда археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида, ватанимиз ҳудудида вужудга келган илк шаҳарлар, Шаҳарсозлик тарихини ўрганишга эътибор кучайди. Ушбу мавзу бўйича мустақиллик нуқтаи назаридан ёзилган илмий адабиётлар вужудга келди. Ҳақиқатан ҳам, моддий маданият-тарихнинг энг қадимги босқичларини ўрганишда муҳим манба ҳисобланиб, жамиятнинг олға қараб ривожланиш хусусиятларини ва қонуниятларини кўп миқёсда литурлитуман материаллар орқали очиқ беришга имконият яратди. Айни пайтда, ҳақиқий тарихни очиқ бериш мақсадида археологик манбаларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш талаб этилади. Ушбу услубий ёндашув тўлалигича шаҳар маданиятининг дастлабки босқичлари учун ҳам хосдир.

Бужара ёни ўрганиш учун тарихий ва археологик ўрганиш услубларининг таҳлил

иўтамуҳимдир. Шунинг учун ҳам ушбу мавзу долзарб. Битирув малакавий иши кириш учта та боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишида Турон шаҳарсозлик тарихи, шаҳарларнинг вужудга келишидаги ижтимоий-иқтисодий омиллар мисоллар асосида ҳамда ушбу даврни ўрганган археолог олимларнинг тадқиқотлари асосида очиб берилган. Шунингдек, президентимиз И.А.Каримовнинг асарларидан ҳам методологик манба сифатида фойдаланилган. Хар бир давр ёдгорликлари слайдларда ўз аксини топган. Топилган ёдгорликларни даврма-давр солиштирган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бойназаров Ф. Антик дунё. Т.: Мехнат, 1989.
2. Буниятов З. Государство Хоразмшахов – Ануштегинов. М.: 1998.
3. Иброхимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиё бўйлаб саёхати. Т., 1991
4. Исмоков М. Сўғдиёна тарих чоррахасида. Т.: Фан, 1990
5. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Т., 1990.
6. Толстов С. П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т.: Фан. 1964.
7. Шаниязов К. Узбеки – Қарлуки. Т.: Наука. 1964. Шониезов К.Ш.
8. Шониезов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. Т., 1990.
9. Гуломов Я.ҒХоразмнинг суғорилиш тарихи. Т., 1959
10. Гуломов Я.Ғ. Қадимги маданиятимиз илдизлари. Т.: Фан.
11. Эшов Б. Сўғдиёна тарихидан лавҳалар.-Т., 2002.
12. Эшов Б. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари.-Т., 2006.
13. Асқаров А.,Абдуллаев Б. Джаркутан (к проблеме протогородской цивилизации на юге Узбекистана) . Ташкент. 1983
14. Сарианиди В.И. Бактрия сквозь мглу веков. М. 1984
15. Толстов С.П.Древний Хорезм. Опыт историко- археологического исследования. М. 1948
16. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент. 1957
17. Сагдуллаев А.Усадьбы древней Бактрии. Ташкент. 1987
18. Толстов С.П. По сделам древне хорезмийской цивилизации. М. 1948
19. Городская культура Бактрии, Тохаристана и Согда. Ташкент. 1987
20. Қўйқирилганқалъа-памятник древнего Хорезма. IV-в до н. э. - IV в н. э. М., 1967
21. Пьянков И.В.Бактрия в античной традиции. Душанбе. 1982
22. Рапопорет А.Ю. и другие. Топроқ-қалъа. Дворец. М., 1984
23. Ставиский Б.Я. Кушанская Бактерия: проблемы истории культуры. М., 1977
24. Асқаров А.А. Ўзбекистон тарихи. Тошкент. 1994
25. Т.Қиличев “Кўхна қалъалар диёри ” Тошкент “ Ўқитувчи “ 1993